БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

42-йил чиқиши №87 (11. 533). | 14 апрель, пайшанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

ҲОСИЛДОРЛИК МУСОБАҚАСИ КУЧАЙСИН!

Ангор районидаги Куйбишев номли колхозда Ҳайит Хўжанов экипажи кунига 8—9 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экмоқда. СУРАТДА: Ҳ. ХУЖАНОВ (чапда) ва бригадир Ҳ. ҚАРШИЕВ.

КОММУНИЗМ ҚУРУВЧИЛАРНИНГ БИРИНЧИ САФЛАРИДА БОРАЁТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВА НОВАТОРЛАРИГА, КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ЗАРБДОРЛАРИ ВА КОЛЛЕКТИВЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

(1960 йил 1 Май муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

ЯНГИ МАРРАЛАРГА

— Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари! Социалистик мажбуриятларни бажариш — ҳар бир коллективнинг шарафли ишидир! Етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йил халқ хўжалик планини муддатидан олдин тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирайлик!

Бу илҳомбахш сўзларда совет кишилари дилидаги айни муддао ифода этилган. Завод ва фабрикаларда азамат машиналарни бошқараётган ишчи, инженер-техник ходимлар, ер қаъридаги беҳисоб бойликларни хўжалигимиз эҳтиёжига олиб бераётган геолог, шахтёр ва нефтчилар, конструктор ва бинокорлар, хуллас умумхалқ фароғати, тинчлиги ва осойишталигини деб енг шимариб меҳнат қилаётган етти йиллик жонбозларининг қалби шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш туйғуси билан тўлиб-тошган.

Тошкент, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Бухоро халқ хўжалиги кенгашларининг корхоналари 1960 йил биринчи квартал мажбуриятларини бажардилар. Республика областларидаги саноат корхоналарининг коллективлари иккинчи кварталнинг дастлабки ойи мажбуриятини ҳам муддатидан олдин бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Булар саноатда техника ва илғор технологиядан унумли фойдаланиш, оғир меҳнат талаб этадиган иш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг шарофатидир.

Шуни айтиш кифояки, республика саноат корхоналарида 1959 йилнинг ўзида ўн мингдан ортиқ янги машина ва ускуналар, аппарат ва механизмлар ишга туширилди. 3,5 минг машина, станок ва асбоб-ускуналар такомиллаштирилди, модернизация қилинди. Республика халқ хўжалиги кенгашлари корхоналарида қариб ўн олти минг ихтиро ва рационализаторлик таклифи жорий этилди. Бу — ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлди. Меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли ишлаб чиқариш топшириқлари муддатидан олдин бажарилмоқда, давлатнинг миллион-миллион сўмлик маблағи тежалмоқда, планга қўшимча кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Биргина Қорақалпоғистон Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари биринчи квартал планига қўшимча 43,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Республикамиз газ, нефть ва кўмир саноати ходимлари, металлургиялари, энергетиклари, кимёгар ва бинокорлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бу —республика меҳнаткашлари етти йиллиқнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажарадилар, дейишга тўла асос беради. Шунинг учун ҳам республика саноатчилари КПСС Марказий Комитетининг: **«Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Етти йиллик планни тўла ва ошириб бажарайлик! Мамлакатимиз экономикаси, маданиятининг ва халқлари фаровонлигининг янада зўр куч билан юксалишига, социалистик Ватан қудратининг янада мустаҳкамланишига эришайлик! Коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари, олға!»** деган хитобномасини зўр фахрланиш ҳисси билан кутиб олдилар.

Партия Марказий Комитети бундан буён ҳам илғорлар тажрибасини ва янги техникани, комплекс механизацияни ва автоматлаштиришни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, техникани янада тараққий эттириш, меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириш, корхоналар ва қурилишларнинг бир меёрда ишлашини таъминлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришга чақирмоқда.

— Ишчилар, инженерлар, техниклар ва мастерлар! Ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини бутун чоралар билан яхшиланглиз, корхоналар ва қурилишларнинг бир меёрда ишлашини таъминланглиз, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамланглиз! Иқтисодий тежаш учун қурашингиз, маҳсулот сифатини яхшиланглиз ва унинг таннархини камайтирингиз!

Республика саноат ходимлари партиянинг бу Чақиригига ҳам лаббай деб жавоб бериб, уни шараф билан бажаришга билим, куч ва ғайратларини сарфлайдилар.

Шонли партия қурилиш ва транспорт ходимларига, совет энергетикларига, машинасозлик, нефть, газ, кўмир, кимё саноатининг ходимларига мурожаат қилиб, уларни янги корхоналар, уй-жой бинолари, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари қуриш суръатларини тезлаштиришга, қурилишнинг индустриал методларини кенг жорий қилишга, иш унуми юксак бўлган ва тежамли энг янги машиналарни, асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштиришга, нефть ва газ чиқариш суръатларини тезлаштиришга, меҳнат унумдорлигини тинмай ошира боришга даъват этмоқда.

Коммунистик партиянинг бу доно кўрсатмаларини амалга ошириш — республика саноат корхоналари коллективларининг диққат марказида турибди.

— Оғир саноат — халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқ фаровонлигини оширишнинг ва Ватанимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлашнинг негизидир. Оғир индустрия ходимларига шон-шарафлар бўлсин!

Бугун республика саноатини тинмай тараққий эттиришнинг беқиёс уфқлари очилмоқда: энергетика ресурсларининг битмас-туганмас запасларини халқ хўжалиги эҳтиёжларига сарфлаш учун қизғин кураш олиб борилмоқда. Бухородаги беҳисоб газ Тошкент остонасига етай деб қолди. Марказий Комитетнинг илҳомбахш Чақириқларидан руҳланган газ саноатининг ходимлари Майолди умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, апрель ойи топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Республика атомчилари радиоактив изотоплар ёрдамида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бракка йўл қўймасликнинг конкрет амалий тадбирларини жорий қилмоқдалар.

Корхона ва қурилишларнинг раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари Ленин вахтаси ва Майолди мусобақаси жараёнида юзага келган жўшқин ғайрат ва ижодкорликни яна ҳам авж олдиришлари, миллионларнинг яратувчи социалистик мусобақасига оқилона раҳбарлик қилишлари, ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг баракали ва ижодий ишлаши учун ҳамма шарт-шароитни яратиб беришлари лозим.

Майолди мусобақасини ҳамма ерда авж олдириб юборайлик.

ҚЎШИМЧА БИР ЯРИМ МИЛЛИОН МЕТР!

— Етти йилликнинг иккинчи йилида, — дейди комбинат партия комитетининг секретари А. К. Сергеева, — коллективимиз Ватанга пландан ташқари бир ярим миллион метр газлама беришга аҳд қилган эди. Бу мажбурият муддатидан олдин, Ленин вахтаси кунларида бажарилди. Комбинат ишчи ва хизматчилари партиянинг Майолди Чақириқларига жавобан шу кунларда янги, оширилган мажбуриятларни ишлаб чиқмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчилари Л. Светашова ва Е. Сухарукова, шунингдек мастер ёрдамчиси А. Бачаровнинг номлари бутун Ўзбекистонда машҳурдир. Улар машина-ускуналар унумдорлигини оширабориб, 1965 йил даражасидан ўзиб кетдилар.

Ташаббускорлар эришилган муваффақият билан қаноатланиб қолмадилар. Етти йилликнинг иккинчи йилида Л. Светашова ва Е. Сухорукова планга қўшимча йигирма мингта кўйлак тикиб чиқариш учун етарли газлама тўқиб бериш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

АМАЛИЙ ЖАВОБ

АНДИЖОН. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларига жавобан ишчилар ва деҳқонлар социалистик мусобақани янада кучайтириб юбордилар. Жанубий Оламушук қонининг нефтчилари йил охиригача пармалашлари керак бўлган 21 қудуқдан 11 тасини ҳозирнинг ўзидаёқ ишга туширдилар. Улар 1 Майгача яна 4 та янги қудуқ пармалашга аҳд қилдилар.

Ленин шаҳридаги пахта заводининг биринчи кварталда 90 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарган Г. Ҳамроқулов бригадаси апрелда икки ойлик топшириқни бажариш учун курашмоқда.

Чинобод районидаги Ленин номли колхозда Обил Норматов бригаласи чигит экишни тамомлаб, 50 гектар майдонда ғўзанинг дастлабки парваришини бошлаб юборди. Чигит экиш тугалланганлиги ҳақида илғор бригадалардан бирин-кетин хабарлар келмоқда.

Чақириқларни маъқуллаб

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Биринчи квартал планини 135 процент ado этган Фарғона шаҳридаги кушхона 11 апрелда тўрт ойлик топшириқни бажарди. Шаҳар аҳолисига пландан ташқари 2 миллион 970 минг сўмлик гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб берилди.

— Биз барча цехларимизда ўтказилган йиғилишларда, — деди кушхона директори М. Усмонов,— КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларини ишлаб чиқдик. Коллективимиз бу муҳим ҳужжатни тўла маъқуллаб, ўз зиммасига янги мажбурият олди. Биз Андижон, Наманган кушхоналари билан мусобақалашдик.

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтида В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган виставка очилди. Виставкада В. И. Ленин асарларининг биринчи нашрлари қўйилган. СУРАТДА: виставка стенди олдида. Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ГЎШТ ТОПШИРИШ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

1. Чорва моллар туёғини кўпайтириш ва боқиш ишларини яхши ташкил этиш билан бирга давлатга гўшт топшириш йиллик планини биринчи кварталда бажарганликлари учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қизил байроқлари қуйидагиларга берилсин:

Фарғона районига (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Абдуллаев**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Ҳатамов**);

Қува районига (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Шодиев**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Жўрахўжаев**);

Сирдарё районига (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Каримов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Аҳмедов**);

Свердлов районига (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Салимов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Қосимов**);

Поп районига (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Раҳимов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Маманазаров**);

Юқори Чирчиқ районидаги **Свердлов номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Ким**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Эм**);

Юқори Чирчиқ районидаги **«Политотдел» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Хван-Ман-Гин**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Ким-Сам-тир**);

Юқори Чирчиқ районидаги **«Правда» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Цой**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Когай**);

Оққўрғон районидаги **«Озод» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Раҳмонова**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Содиқов**);

Янгиер шаҳридаги **«Коммунизм» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Латипов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Қурбонов**);

Қўйи Чирчиқ районидаги **Ленин номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Кан**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Ким**);

Қўйи Чирчиқ районидаги **Энгельс номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Хан**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Сафаров**);

Чиноз районидаги **«Коммунизм» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Ашуров**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Жданов**);

Янгийўл районидаги **Сталин номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Ортиқов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Мадалиев**);

Орджоникидзе районидаги **Ленин номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Нурмуҳаммедов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Зиёмуҳаммедов**);

Янгиер шаҳридаги **Карл Маркс номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Ҳожибеков**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Усмонов**);

Фарғона районидаги **«Москва» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Икромов**, бошлангич партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Мансуров**);

Фарғона районидаги **«Ёш ленинчи» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Имяминов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Ҳасанбоев**);

Поп районидаги **Ленин номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Одилов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Маназаров**);

Фарғона районидаги **Карл Маркс номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Тўхтаев**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Худойбердиев**);

Фарғона районидаги **«Партия XIX съезди» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Дадажонов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Орипов**);

Фарғона районидаги **«Коммунизм» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Умаралиев**, партия ташкилотининг секретари **ўртоқ Умурзоқов**);

Марғилон шаҳридаги **«Ўзбекистон» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Бобоев**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Абдуллаев**);

Қўқон шаҳридаги **Ленин номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Мамарасулов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Розиқов**);

Охунбобоев районидаги **Охунбобоев номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Ҳасанов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Мўминов**);

Свердлов районидаги **Ленин номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Сафаров**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Аҳмедов**);

Самарқанд районидаги **Навоий номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Комилов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Болтаев**);

Свердлов районидаги **Охунбобоев номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Қурбонов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Шарипов**);

Свердлов районидаги **Сталин номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Рамазонов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Бозоров**);

Свердлов районидаги **Киров номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Бобоев**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Мирзаев**);

Свердлов районидаги **«Ленинград» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Ражабов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Насруллаев**);

Қорақўл районидаги **«Октябрь» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Қурбонов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Йўллиев**);

Қорақўл районидаги **«Москва» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Давлатов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Зиёев**);

Қорақўл районидаги **Сталин номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Бобоқулов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Аҳадов**);

Қорақўл районидаги **«Ленинград» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Авезов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Нурматов**);

Қорақўл районидаги **Киров номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Турдиев**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Болтаев**);

Қорақўл районидаги **«Ўзбекистон» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Одилов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Чориев**);

Қорақўл районидаги **Карл Маркс номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Оролов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Дурматов**);

Қорақўл район, Олот қишлоқ Советидаги **Ленин номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси Ўртоқ **Ражабов**, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Панжиев**);

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАҲРАМОН БРИГАДАСИ

ҚОРАКЎЛ. («ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МУХБИРИ). Қорақўл районидаги «Октябрь» колхози аъзолари КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларига жавобан чигит экиш суръатини тобора тезлатаётирлар. 1263 гектар ердан ҳозир 800 гектарига чигит экилди. Қолган ерлар ҳам сифатли бороналаб экишга тайёрланган.

Донгдор пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаева бошлиқ бригада Майолди мусобақасида олдинда бормоқда. Бу бригада чигит экишни ҳаммадан илгари тамомлади. Кузда чуқур шудгорланган, қишда яхоб берилган ва шўри яхшилаб ювилган 127 гектар ер бир марта чизеллаб ва бороналаб чигит экилди. 69 гектар ерга чигит квадратуялаб жойлаштирилди.

Ғанишер пахта майдонини кенгайтирмоқда

МИРЗАЧЎЛ. Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов бошлиқ бригадаси чигит экишни бошлаб юборди. Иноможон Рустамов, Зайнитдин Рустамовлар биринчи кундаёқ ўн гектардан ерга чигит ташладилар.

Ғанишер Юнусов бригадаси бу йил қўриқ ерлардан 20 гектарини ўзлаштириб, пахта майдонини 100 гектарга етказди.

163 ЭКИПАЖ

ХОНҚА. Район пахта далаларида 163 экипаж ишламоқда. Бу экипажлар чигит экишни қисқа муддатда тугаллаш мақсадида ҳар бир соатдан унумли фойдаланаётирлар.

Кўпгина бригадалар чигит экишнинг дастлабки кунларидаёқ яхши натижаларга эришмоқда. «Коммунизм» колхозининг Қурбонбой Бобожонов бошлиқ экипажи ўз вазифасини маҳорат билан ўтаяпти.

Поп райони бу йил 604 тонна ўрнига 1274 тонна гўшт етиштиради

(Ўзбекистон КП Поп район комитетининг секретари Ўртоқ М. РАҲИМОВ билан суҳбат)

Қардош қозоқ халқининг «семиз молнинг туёғи саккиз» деган мақоли бор. Бунинг маъноси моллар алоҳида боқилиб семиртирилса, бир мол икки бўлади демакдир. Бу мақолнинг ҳаётийлигини районимиз колхозлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Район меҳнаткашлари ўтган йил охирида ва шу йилнинг бошларида КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорини атрофлича муҳокама қилиб, шу қарорга жавобан, ўз зиммаларига юксак мажбурият олар эканлар, молларни бўрдоқига боқиб семиртиришни, шу йўл билан чорва моллар туёғини камайтирмаган ҳолда гўшт етиштиришни кўпайтиришни кўзда тутдилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, **1960 йилда пландаги 604 тонна ўрнига 1274 тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олдилар.** Ўз йиғилишларида бу мажбуриятни бажариш тадбирларини белгилаб чиқдилар.

Шу тадбир асосида **ҳар бир колхозда маълум миқдорда моллар ажратилиб, бўрдоқига боқишга қўйилди.** Фермалардаги бошлангич партия ташкилотлари ва партия группалари атрофига уюшган 100 дан ортиқ агитатор молларни бўрдоқига боқиш давлатга кўп ва семиз гўшт етказиб бериш манбаи эканлигини, бу иш гўштга топшириладиган моллар сонини қисқартиришда муҳим роль ўйнашини ҳар бир чорвадорга етказди, бўрдоқи боқишни намунали ташкил этган фермаларнинг иш тажрибасини кенг оммалаштириб борди.

Бу тадбирлар жуда яхши натижа бермоқда. Ҳамма колхоз ва совхозларда бўрдоқига боқиш ҳозирги юксак талаблар даражасида ташкил этилди. Чорва моллар тўйимли ем-ҳашак бериб боқилганлиги туфайли улар жуда тез семирди ва гўштдор бўлиб ўсди. **Бу билан биз давлатга гўшт сотиш йиллик планимизни биринчи кварталдаёқ бажаришга муваффақ бўлдик. Районимиз ҳозиргача давлатга 604 тоннадан ортиқ семиз гўшт сотди.**

Коммунист ва комсомоллар гўшт етиштиришни кўпайтиришда, олинган мажбуриятни бажаришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Колхозлардаги 1017 коммунистдан 438 киши зиммасига юксак мажбурият олган эди. Буларнинг ҳаммаси ваъдасини тўла адо этди. Ленин номли, Сталин номли, Жданов номли колхозларнинг коммунистлари гўшт етиштиришни ўтган йилга нисбатан ҳозирнинг ўзидаёқ бир ярим баравар кўпайтирдилар. Бу колхозларнинг аъзолари 1 июнгача икки йиллик план миқдорида гўшт топшириш учун курашмоқдалар.

Районимизнинг чорвадорлари молларни боқишда Рязань области меҳнаткашларининг иш тажрибасидан кенг фойдаланмоқдалар. Бўрдоқи қилишга ажратилган моллар боғланмасдан боқилмоқда. Бу прогрессив усул молларни боқиш учун жуда кам ишчи кучи ажратиш, гўштнинг таннархини кескин камайтириш имконини бермоқда. Ўтган йилларда 18 — 20 бош молга қараш учун 3 — 4 киши талаб қилинган бўлса, **ҳозир бир киши 200 тагача чўчқани, 150 тагача сигирни парвариш қилмоқда. Бир центнер гўшт 355 сўмга тушмоқда.**

Колхозларимиз чорвачиликдан, айниқса гўшт етиштиришдан катта даромад олаётганликлари туфайли уларнинг экономикаси ҳам мустаҳкамланаётир, колхозчиларнинг даромади ошмоқда. Ленин номли, «Сталинград», «Коммунизм» колхозларининг чорвачиликдан олган даромади ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан ҳам зиёд ошди.

Биз йил охиригача яна 670 тонна гўшт етиштиришимиз керак. Буни муваффақиятли бажариш учун колхозларимизда ҳамма имконият мавжуд. Фақат бўрдоқи молларга бериш учун 2500 тоннадан ортиқ силос, кўп миқдорда бошқа хил ем-ҳашак бор. Бундан ташқари колхозларда 674 гектар ерга маккажўхори экилади. Бу экиндан мўл ҳосил олиш учун маккажўхори квадрат-уялаб экилмоқда.

Чорвачилик сермаҳсул тармоқ. Рязанликлар ташаббусига қўшилган чорвадорлар буни амалда кўрсатишмоқда.

ЭКИШДА КИМ ОЛДИН?

*** Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида бир кунда барча пахта майдонининг 5,1 процентига чигит экилди**

*** Экиш плани 24,4 процент бажарилди**

(1960 йил 13 апрелга процент ҳисобида)

Областлар	Чигит экиш ҳаммаси	шу жумладан квадрат-уялаб	Маккажўхори ва оқжўхори экиш	
			ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб
Тошкент	11,0	9,8	29,5	27,3
Фарғона	37,2	48,5	55,7	48,5
Андижон	38,0	44,3	41,6	53,6
Самарқанд	9,9	9,8	21,4	8,9
Бухоро	25,2	25,8	12,4	13,5
Сурхондарё	43,7	49,3	60,4*	32,7
Хоразм	10,0	10,9	2,4	5,3
Қорақалпоғистон АССР	3.9	4,7	1,1	1,4

*) маълумот аниқланган.

КРЕМЛДА ЗИЁФАТ

СССР Олий Совети Президиуми 12 апрель кечқурун Кремлда Мўғулистон Халқ Республикаси Олий Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ж. Самбу шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Ж. Самбу билан биргаликда Мўғулистон Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. Цэнд, ўз ватанига бора туриб Москвада меҳмон бўлган Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Майдар ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, Н. А. Муҳитдинов ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Самимий ҳамда қардошлик вазиятида ўтган зиёфат вақтида К. Е. Ворошилов билан Ж. Самбу нутқ сўзладилар. (ТАСС).

Ж. Самбу Москвада

Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ж. Самбу 12 апрелда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов ҳузурида бўлди.

Визит вақтида бўлган суҳбатлар самимий, дўстона вазиятда ўтди.

* * *

Шу куни Ж. Самбу ҳамроҳлари билан биргаликда В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейида бўлиб, гулчамбар қўйди. (ТАСС).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛЕНИН ВА СТАТИСТИКА

Иқтисодий тадқиқот ишларида статистиканинг роли ва аҳамияти Ленин асарларида тўла ва атрофлича ёритилган. Владимир Ильич ўз революцион фаолиятининг дастлабки давридаёқ статистикага катта эътибор билан қараб, ихчамлиги, аниқлиги ва ишонарлиги туфайли кўпинча сўзлар баёнидан устун бўлган «рақамлар тили»га юксак баҳо берган.

Статистика Ленин учун капиталистик тузумнинг иқтисодий қонунларини ўрганиш воситаси ва синфий кураш қуроли бўлиб хизмат қилган. Лениннинг революцион фаолиятида статистика материалларининг нақадар муҳим ўринга қўйилганлигини тасаввур қилиш учун «Россияда капитализмнинг ривожланиши» номли машҳур асарининг ёзилиш тарихини эслаш кифоя. Бу асарни ёзишда у, рус ва чет тиллардаги 500 дан ортиқ китоб ва статистик тўпламдан фойдаланган.

Ленин Россия, Ғарбий Европа давлатлари, Америка ва бошқа мамлакатларнинг экономикасига оид бой статистик материалларни тўплар экан, уларни синчиклаб текширар, системага солар, ўрганар ва шу орқали статистик методологиянинг проблемаларини ҳал қиларди. Ленин буржуазия ва майда буржуазия статистикаси воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини тушунмаслик орқасида йўл қўйган хато ва нуқсонларини фош қилиб, илмий статистик тадқиқот учун марксистик назария ҳал қилувчи аҳамиятга молик, деб кўрсатади.

Ленин статистиканинг аҳамиятини қайта-қайта таъкидлаган. Шунинг учун ҳам унинг асарларида «Статистика исботлайди», «Статистика тасдиқ этади», «Статистика рад этди» сингари иборалар тез-тез учраб туради. Масалан, «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» асарида деҳқонлар ва майда ҳунармандларнинг табақаланиши масаласига тўхтаб, земство статистикасининг ажойиб материаллари рус воқелиги ҳақидаги социал-демократлар фикрининг ниҳоятда тўғри эканлигини фактлар билан исботлайди, деб айтди.

Ленин ўзининг «Россияда капитализмнинг ривожланиши», «Биздаги фабрика-завод статистикаси масаласи тўғрисида», «Земство статистикаси вазифалари ҳақидаги масалага доир», «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» номли асарларида, Госплан раиси Г. М. Кржижановскийга, Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи П. И. Поповга йўллаган хатларида ва бошқа қатор асарларида статистика фанининг методологик асосларини яратди. Жумладан, типик ва иккинчи даражали группалаш методи, статистик материалларнинг район сводка методи, статистикада ўртача даража ва бошқа методларни доҳий ишлаб чиққан эди.

Ленин давлат корхоналари ва муассасаларни группалаш соҳасида намунали, қониқарли ва қониқарсиз ишлаётган объектларни алоҳида олиб ўрганиш методини қўллаш зарур, деб уқтирган. Бунда у социалистик жамият қурилаётган даврда ибрат бўладиган ва нафрат қўзғатадиган намуналарнинг кучи алоҳида аҳамият касб этишига асосланган эди.

Октябрь революцияси арафасида ёзилган «Давлат ва революция» номли асарида Ленин ишчилар синфи ҳокимиятни ўз қўлига олгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни тақсимлаш юзасидан қатъий учёт ва контроль ўрнатиш зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Учёт ва контроль коммунистик жамият қурилишининг биринчи фазасини тўғри амалга ошириш учун айниқса муҳимдир, деган эди Ленин. Лениннинг «Хавф туғдираётган ҳалокат ва унга қарши қандай курашмоқ керак», «Большевиклар давлат ҳокимиятини ўз қўлларида тутиб қоладиларми?» каби асарларида бу таълимот янада ривожлантирилди.

Ленин Октябрь революциясидан сўнг ёш Совет республикаси социалистик учёт ва статистикани қандай ташкил этиши зарурлигини кўрсатиб берди. У учёт ва статистика социалистик хўжалик системасининг ажралмас қисми эканини кўпинча «Социализм — бу учёт», «Социализм — бу даставвал учёт демакдир» деб таъкидларди. Совет статистикаси Владимир Ильичнинг кўрсатмалари ва бевосита раҳбарлигида вужудга келди. 1918 йил 25 июлда Ленин «Давлат статистикаси ҳақидаги низом»ни имзолади.

Социалистик ишлаб чиқариш усули статистиканинг ривожланиши, унинг аниқлиги ва илмийлигини таъминлаш учун барча имкониятларни яратиб берди. Масалан, капитализм шароитидаги «Тижорат сири» деб аталган тушунча Совет статистикаси учун мутлақо ётдир. Совет статистикасидаги аниқлик, илмийлик социалистик корхоналар ва ташкилотлар тақдим этадиган учёт ва ҳисоботларнинг объектив далилларига асосланади.

Ленин социализм даврида статистика идораларининг роли ниҳоятда ошади, улар социалистик давлат қўлида халқ хўжалигининг турли соҳаларини текшириб бориш, назорат қилиб туриш қуроли бўлиб қолади, шу сабабли у хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш талабларига, партия ва ҳукумат қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга бўйсунмоғи лозим, деган эди. У статистиканинг амалий аҳамиятига юксак баҳо бериб, «Капитализм жамиятида статистика фақат «ҳукумат одамлари»нинг ёки шуни ўзига касб қилиб олган мутахассисларнинг қўлида эди, — биз статистикани омма ичига олиб киришимиз, уни кенг ёйишимиз лозим, токи меҳнаткашларнинг ўзлари қай хилда ва қанча ишлаш кераклигини, қандай ва қанча дам олиш мумкинлигини секин-аста англайдиган ва биладиган бўлсинлар, — алоҳида коммуналарнинг хўжалик **соҳасидаги иш якунларини таққослаб** кўришга ҳамма ҳам қизиқадиган ва бу иш якунларини ўрганадиган бўлсин...» деб кўрсатди.

Владимир Ильич статистика экономика билан узвий боғлиқ эканлигини айтиб, ҳамма вақт статистикалар рақамлар билан бирга иқтисодий анализ ҳам берсинлар, экономистлар эса, ўз тезисларини конкрет рақамлар таҳлили билан мустаҳкамласинлар, деб талаб қилган. У «Газеталаримизнинг характери тўғрисида»ги мақоласида экономика тўғрисида кўпроқ гапирилса, бироқ экономика тўғрисидаги гаплар «умумий» муҳокамалардан, олимона обзорлардан, интеллигентларча тузилган планлардан ва шу каби сафсаталардан иборат бўлмаслиги лозим деб таъкидлади. Бизга экономика янги ҳаёт қуриш соҳасидаги фактларни тўплаш, **яхшилаб текшириш** ва ўрганиш учун керак, деган эди у.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ленин таълимотига амал қилиб, Давлат Статистика идораларининг такомиллашишига катта эътибор бермоқда.

Н. С. Хрущев СССР Олий Советининг VII сессиясида қилган докладида учёт ва статистиканинг ҳозирги шароитда айниқса зўр аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни тақсимлаш устидан қаттиқ умумхалқ учёти ва контролини уюштириш халқ хўжалигини тўғри бошқаришнинг жуда муҳим шартларидан бири эканлигини эътиборга олганда, мамлакат халқ хўжалигида учёт ва статистиканинг ягона марказлаштирилган системаси бўлмаса, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас, деди. Бинобарин, Давлат статистикаси ҳозирги даврдаги кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқаришнинг яхлит манзарасини акс эттириши, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо-сотиқ соҳасидаги конкрет экономика тараққиётини, аҳоли моддий ва маданий фаровонлигининг ўсганини кўрсатиб бериши ва шу йўл билан халқ хўжалигининг ҳозирги аҳволи ҳамда унинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тўғри хулосалар чиқариши лозим.

Совет статистикаси ходимлари олдида улуғвор вазифалар турибди. Давлат статистика органлари етти йиллик планда белгиланган улкан вазифаларни жадал суръатлар билан турмушга тэтбиқ этиш учун статистик материалларни тезда умумлаштириши, таҳлил қилиши ва хўжалик ҳамда маданий қурилиш соҳасидаги резервларни кўрсатиб бериши даркор.

Республикамизда статистика ишларининг аҳволи кейинги йилларда анча яхшиланди. Статистика идораларида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги бўйича ҳисоботларни тўплаш ва қайта ишлаш марказлаштирилди. Республика Марказий статистика бошқармаси, областлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари ҳузурида машина-ҳисобот станциялари ташкил этилди. Эндиликда районлар, шаҳарлар, областлар ва бутун республика экономикасининг юксалаётганлигини кўрсатувчи статистик бюллетенлар ва тўпламлар нашр этилмоқда.

Ўзбекистон статистиклари кейинги йилларда республика ва мамлакат учун муҳим иқтисодий ҳамда сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширдилар. Масалан, аҳолини рўйхатга олиш, уй-жой фондлари ва молларни рўйхат қилиш, асосий фондларни қайта баҳолаш, тугалланмаган қурилишларни, мутахассисларни ҳисобга олиш ва бошқалар.

Яқинда республикамиз статистикларидан бир группаси СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар. Бу ғамхўрликка жавобан республикамиз статистиклари барча статистика ишларини янада яхшилаш, такомиллаштириш учун куч ва имкониятларини сафарбар қилмоқдалар.

Ленин бошқариш ва планлаштириш идораларининг ишида статистиканинг амалий аҳамияти катта эканини таъкидлаб «Статистлар бизнинг амалий ёрдамчиларимиз бўлмоқлари керак» деган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб қолди.

М. ТОЖИБОЕВ,

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг коллегия аъзоси.



БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ. СУРАТДА: доцент **А. Тошхўжаев** студентлардан Муҳаббат Султонова (чапда) ва Норжон Қосимова билан кимёдан амалий машғулот ўтказаётир.

Б. Мизрохин фотоси.

СУМГАИТЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

— Диққат! Диққат!! Кнопкаларни босаман!!!

Тўпланган ўн беш кишининг нигоҳи бақувват қўлга қадалди. Кнопкалар босилиши билан «АУС», «МГК-2» мосламаларининг стрелкалари бирин-кетин ҳаракатга келди. Цех бошлиғи Саид Азаматов, автоматлаштирувчилар раҳбари Петр Ледяев, мастер Қурбон Рустамов, Ҳасан Мирзаянов, шу ердагиларнинг ҳаммаси қувончдан ўзларини қайга қўйишни билмасдилар.

Автомат агрегат тўхтовсиз ишлай бошлади.

Чирчиқ электркимё комбинатининг 5-цехи энг асосий цехлардан бири. Бу цехда аммиак кислотаси ишлаб чиқарилади. Колонналардаги иссиқлик даражаси, ҳавонинг аммиак билан аралашиш ҳолати, кислород ҳажми, буғ босимининг кучи ва бошқаларни аниқлаш ноқулай ускуналар ёрдамида қўлда бажарилар, натижада юқоридаги системалар унча аниқ ишламас эди.

Ўзбек кимёгарлари озарбайжонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлашга эришаётирлар Ўтган йил охирида Чирчиқ кимёгарлари Сумгаитдаги нефть тозалаш институтига борган эдилар. У ердан кимё саноатида фойдаланиш мумкин бўлган ажойиб автомат агрегатнинг лойиҳасини олиб келдилар.

Автомат агрегатининг синов нусхаси тайёрланди ва яқинда ишга туширилди. Энди колонналардаги иссиқлик даражалари, ҳавонинг аммиак билан аралашиш ҳолати, кислород ҳажми, буғ босимининг кучи каби операциялар «АУС», «МГК-2» маркали мосламалар воситаси билан автоматик равишда бошқарилади. Иш жараёнида мутлақо аниқликка эришилмоқда.

— Бу автомат агрегатнинг келажаги порлоқ, — дейди электркимё комбинатининг бош инженери Воҳид Қодиров, — аммиак цехидаги барча мавжуд агрегатларни шундай автомат агрегатлар билан алмаштириш режамиз бор. Бу тадбирлар амалга оширилгач, бутун бошли цехни, ҳозиргидек, 70—80 киши эмас, икки-уч киши бемалол бошқараверади.

Кимёгарлар меҳнат унумдорлигини кескин оширишнинг муҳим омили — автоматлаштириш учун қизғин кураш бошладилар.

Р. УМАРОВ.

КОММУНИСТЛАР — ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЕШҚАДАМЛАРИ

Шу кунларда Ўзбекистон металлургия заводининг цехларига кирсангиз, ишчилар, инженер-техникларнинг жўшқин ғайрати ва сиёсий активлиги нақадар ўсганлигини кўриб, завқланасиз.

Етти йилликнинг биринчи марасини муваффақиятли эгаллаган металлурглар бу йил ўз зиммаларига ҳар қачонгидан улкан мажбурият олганлар. Бу мажбурият Қозоғистон металлурглари билан давом этиб келаётган анъанавий мусобақа шартномасида ўз ифодасини топган.

— Йиллик планни муддатидан олдин бажариб, қишлоқ хўжалик машиналари фондига қўшимча бир неча тонна пўлат ва товар прокати етказиб берамиз.

Коллектив шиори шундай.

Икки қардош республика қора металлургия корхоналари ўртасидаги мусобақада Ўзбекистон металлургларининг қўли баланд келмоқда. Буни завод ҳовлисидаги кўрсаткичлар тахтасига ёзилган рақамлардан пайқаш мумкин. Унда ҳар икки корхонанинг биринчи квартал иш якуни ҳақида шундай рақамлар бор:

Бекобод заводида: пўлат чиқариш — 107,7 процент; печь тубининг ҳар квадрат метридан олинган пўлат — 9,35 тонна; эритиш муддати — 6 соат 34 минут. Прокат цехида план 105,7 процент бажарилган.

Темиртов заводида: пўлат чиқариш — 101 процент; печь тубининг ҳар квадрат метридан олинган пўлат — 7,57 тонна; эритиш муддати — 7 соат 48 минут. Прокат цехида план 102,2 процент бажарилган.

— Кўпчилик эмасми, — дейди завод директори ўртоқ И. Муҳамедов, — йил бошида дастлабки ишларимиз якунига қараб, аввалги мажбуриятни қайта кўриб чиқиб, янги, оширилган мажбурият олганимизда баъзи кишилар чўчиб: «Буни мутлақо уддалаб бўлмайди» деб ўйлаган эдилар. Биринчи квартал натижаси бундай шубҳа асоссиз эканлигини исботлади. Ҳозир коллективимиз 4 ойлик планни улуғ Ильич туғилган кунга қадар уддалаш учун янада зўр бериб курашмоқдалар.

ЛЕНИН ВАХТАСИДА ТУРИБ...

Мартен цехи коллективи биринчи кварталда мажбурият ҳисобига неча юз тонна қўшимча пўлат берди. Пўлат эритувчи коммунист П. Гвоздянский ва М. Мирзаматовлар раҳбарлигидаги бригадалар март ойида ҳар квадрат метр майдондан мўлжалдаги 7,8 ўрнига 10,28 тоннадан пўлат олдилар. Бу — рекорд! Завод тарихида шу вақтга қадар бирон пўлат эритувчи бундай юксак кўрсаткичга эришмаган.

Партбюро секретари бизни коммунист Манноб Мирзаматов бригадаси ишлаётган печь ёнига олиб бора туриб, булар ҳозир Ленин вахтасида туриб тезкорлик усули билан пўлат эритишяпти, деди.

Мана улар, — бинафша ранг кўзойнакларини пешоналарига кўтариб қўйган тўрт ўғлон — Манноб Мирзаматов, унинг ёрдамчилари — Зокир Шамсиев, Тожибой Қурбонов, Қувонтой Симагулов. Улар печь рўпарасида туриб алла нарса ҳақида сўзлашиб олишдида, дарҳол кўзгуларини ўрнига туширишди. Бири заслонка ёнига югурди. Учтаси қўлига темир белкурак олди.

— Доломит! — Бригада бошлиғининг оғзидан шу сўз чиқиши билан заслонкада ўтирган йигит узоқдан туриб секин печнинг қопқоғини юқори кўтарди. Печь ичидан кучли олов тўлқини ташқарига отилди.

— Иссиқлик 1700 даража. Кўринг-а, — деди Ғаниев бизга ўз кўзойнагини узатиб, — металл худди дошқозондаги сумалакдек биқирлаб қайнамоқда.

Уч киши, белкурак билан тез-тез печь оғзига доломит ирғитмоқда.

Операция узоқ давом этмади. Бригадирнинг ишораси билан биринчи ёрдамчи Шамсиев қайнаб турган пўлатдан чўян қошиқчада гўлдириб намуна олди-да, лабораторияга томон югурди.

— Биз, — деди ёнимизга келган Мирзаматов, — қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари корига ярайдиган пўлат эритмоқдамиз. Бу пўлатлар тез орада пахта териш машиналарига, сеялкаларга айланади. Республикамиз пахтакорларининг оғирини енгил қилишга ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимиз учун хурсандмиз...

Қандай ажойиб одамлар! Айтгандек, Манноб Мирзаматов бундан ўн олти йил муқаддам Бекободда совет кишилари қўли билан барпо қилинган шу оғир саноат корхонасига оддий шогирд бўлиб келган ёшлардан экан. Ҳозир бўлса коммунист Мирзаматов бутун завод коллективи ҳаққоний равишда фахрланаётган донгдор пўлат эритувчилардан бири.

ТАЪСИРЧАН ВОСИТА

Партия сафини энг яхши кишилар ҳисобига ўстириб бориш доим цех партия ташкилотларининг диққат-эътиборида турибди. Сўнгги ойларда биргина прокат цехида ишлаб чиқариш новаторларидан етти киши партияга қабул қилинди. «300» станининг валсовшиги Олимжон Маҳмудов — шулардан бири. Унинг таржимаи ҳоли заводдаги кўпчилик ишчиларнинг таржимаи ҳолига ўхшаш қисқа ва бедоғ: деҳқон оиласида туғилган, 1950 йилгача бошланғич мактаб ҳажмида маълумот олган оддий колхозчи, аввал шогирд, ҳозир юксак малакали ишчи, ишчи-ёшлар кечки мактабининг сўнгги синфида ўқияпти.

Олимжон Маҳмудовни партия сафига тавсия қилганлардан бири — ураллик старший мастер Николай Андреевич Ботнаев ўз тавсияномасида бундай деб ёзган: «Мен Олимжон Маҳмудовни заводга келганидан буён яхши биламан. Дастлаб прокат цехига шогирд бўлиб келган, энди интизомли, малакали валсовшик. Ўз нормасини ҳар доим сифатли қилиб, ошириб бажаради. Юриш-туришда бошқаларга ўрнак. Қунт билан ўзининг умумий ва сиёсий билимини ошириб келмоқда. У цехда коммунистик меҳнат зарбдори сифатидагина эмас, энг яхши агитатор сифатида ҳам танилган. О. Маҳмудов КПСС аъзоси деган номга муносиб, у ҳамиша бу номни пок сақлашига ишонаман».

Цех партия ташкилотлари ишчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, мусобақани ташкил этиш ва уни назорат қилиб бориш масаласига жиддий қарамоқдалар. Бу эса кишиларнинг савиясини ўстириш билан бирга, уларда олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун бўлган шахсий масъулият ҳиссини орттирмоқда.

Яқинда прокат цехида шундай бир воқеа юз берди: «Прокатка» деворий газетасининг 5-сони март ойининг иккинчи ўн кунлигида «300» станида асосий материалларни тежаб сарф қилиш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилиши якунига бағишланиб чиқарилди. Бунда 1-бригада 7 тонна металл, 20 тонна мазут тежаган бўлса-да, 1,5 минг киловатт-соат электр қувватини ортиқча сарфлаганлиги қаттиқ танқид қилинди. Эртасигаёқ бу сигнал аввал партия группасида, сўнг смена ва бригада бошлиқлари иштироки билан цех партия бюросида муҳокама қилинди. Агитаторлар ҳамма ишчиларни бу воқеадан воқиф қилдилар. Натижада учинчи ўн кунликда аҳвол тубдан ўзгарди. Бирон смена ёки бригадада бундай кўнгилсиз манзара рўй бермади. Коммунист Саид Нуриддинов бошчилик қилаётган 1-бригада барча кўрсаткичлар бўйича яна ўз ўрнига — биринчи қаторга чиқиб олди.

«Прокатка» каби бу цехда мунтазам суратда чиқариб турилган «Крокодиль» ва «Чиён» сатирик деворий газеталари ҳам меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, айрим кишиларнинг ярамас хулқ-атворларига қарши курашда партия бюроси қўлидаги таъсирли воситалардан бўлиб қолмоқда.

Прокат цехидаги қизил бурчак эшигидан киришингиз билан кўзингиз рўпарадаги лавҳага тушади. Унда ҳуснихат билан катта қилиб шундай сўзлар ёзилган: «Ишдан қутилдингми, бўш минутларингни бекор ўтказма. Сени мактаб, техникум, институт кутмоқда. Бўш вақтингда қўлингга китоб ол, ўқи, ўз халқингга кўпроқ манфаат етказ!».

— Ҳозир цехимизда эмас, балки заводимизда ҳам ўзининг умумий ва сиёсий билимини оширмаётган киши бармоқ билан санарлик даражада оз қолди деса бўлади, — дейди прокат цехи партия бюросининг секретари А. Тарасов. — Бизда коммунистлар билан бир қаторда анчагина партиясиз ишчилар ҳам сиёсий маориф системасида ўқимоқдалар. Кўпчилик ишлаб чиқариш командирлари ва ишчилар махсус олий ўқув юртлари ва техникумларда сиртдан таълим олиб, ўзларининг техника билимларини оширмоқдалар. Корхонамизда ишлаб чиқариш маданияти юксалиб, меҳнат унумдорлиги мунтазам ортиб бораётганлигининг сабаби ҳам шунда.

Завод партия комитети, цех ва бригада партия ташкилотлари ўзларининг бутун ташкилотчилик фаолиятларини, оммавий-сиёсий ишларни коммунистларнинг, бутун коллективнинг куч ва билимини 1965 йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш даражасига икки йил илгари эришиш, етти йилликнинг иккинчи йили маррасини муддатидан илгари эгаллаш мақсадига қаратмоқдалар.

Т. СОАТОВ.

«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири.

ГЎШТ ТОПШИРИШ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

(Боши биринчи бетда).

Қоракўл районидаги **«Коммунизм» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Қувончев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Очилов**);

Қоракўл районидаги **«Искра» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Рўзиев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Каримов**);

Қоракўл районидаги **«Шарқ юлдузи» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Жумаев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Аршимов**);

Қоракўл районидаги **«Ленин йўли» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Мақсулов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Шониёзов**);

Андижон шаҳридаги **«Ўзбекистон» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Самиев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Қўзибоев**);

Ленин районидаги **«Правда Востока» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Содиров**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Аҳмедов**);

Чинобод районидаги **«Ленинград» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Қўлдошев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Каримов**);

Ленин районидаги **«Партия XX съезди» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Мамажонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Эминов**);

2-«Далварзин» совхозига (совхоз директори ўртоқ **Бойметов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Холмирзаев**);

3-«Боёвут» совхозига (совхоз директори ўртоқ **Иноятов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Облоқулов**);

1-«Боёвут» совхозига (совхоз директори ўртоқ **Рашидов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Хўжаев**);

2. Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро область партия комитетларига ва область ижроия комитетларига мазкур районларнинг, колхоз ва совхозларнинг ишда намуна кўрсатган чорвадорларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш учун ҳар бир колхоз, совхоз ва райондан 3—5 кишини тақдим этишга рухсат берилсин.

3. Гўшт сотиш йиллик планини бажарган районлар, колхоз ва совхозлар республика Ҳурмат тахтасига ёзилсин.

ҚЎШИМЧА 10 МИНГ КЎЙЛАК

ҚЎҚОН. Охунбобоев номли тикув фабрикаси коллективи Ленин кунларида меҳнат вахтасида туриб ишламоқда.

Ўртоқ Надежкина бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари ғайрат билан ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Коллектив 1 кварталда пландан ташқари 10 минг кўйлак тикиб, савдо ташкилотларига юборди.

А. ОЛИМОВ.

А. И. МИКОЯН ДОРАДАГИ ЗАВОДДА

БАҒДОД, 12 апрель. ТАСС махсус мухбирлари Е. Егоров ва И. Березниковский хабар берадилар:

Бугун куннинг иккинчи ярмида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян Бағдод яқинидаги Дора деган жойда қурилган нефть маҳсулотларини қайта ишлаш давлат заводини бориб кўрди. Ироқ нефть саноати министри вазифасини бажарувчи Талъат Ашшайбоний ва СССР нинг Ироқдаги элчиси Г. Т. Зайцев бу сафарда А. И. Микоянга ҳамроҳлик қилдилар. Заводда ҳурматли совет меҳмонини завод директори Абдил Фаттоҳ Иброҳим, завод инженерлари ва ишчилари табриклаб кутиб олдилар. «Азиз меҳмон Микоян, тинчлик шаҳри Бағдодга хуш келибсиз!» деган сўзлар рус ва араб тилларида ёзилган катта плакат завод дарвозаси олдига осиб қўйилган эди. Завод директори қисқа нутқ сўзлаб, бу замонавий катта корхонанинг қандай ишлашини совет меҳмонларига тушунтириб берди.

У завод маъмуриятининг топшириғи билан ҳурматли меҳмонни табриклаб, унга Ироқ Республикасига қилган сафарида муваффақиятлар тилади.

Директор дедики, заводда совет мутахассисларидан 9 киши ишламоқда, улар корхонанинг ишига катта ёрдам бермоқдалар.

Директор меҳмонларни корхонани кириб кўришга таклиф қилди. А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари цехларни айланиб юрдилар. А. И. Микоян Совет ва Ироқ мутахассислари билан саломлашди, улар азиз меҳмонни қизғин табриклайдилар.

Революцияга қадар бу заводда инглиз ва америкалик мутахассислардан 153 киши ишлар эди. Бу мутахассислар бир йилда ҳаммаси бўлиб 1 миллион динор иш ҳақи олар эдилар. Корхона рентабел корхона эмас эди. Ироқ мутахассисларини раҳбарлик ўринларга кўтаришга йўл қўйилмас эди.

Революциядан сўнг заводни бошқариш Ироқ инженерларининг қўлига ўтди. Ироқ Республикаси ҳукумати совет мутахассисларини таклиф қилди, улар қисқа вақт ичида бу заводни рентабел корхонага айлантиришда Ироқ инженерларига ёрдам бердилар.

Меҳмонлар заводни кўриб бўлишди. Завод бошқармасининг катта залида инженерлар ва техниклар тўпланди. А. И. Микоян уларга қисқа нутқ билан мурожаат қилади.

А. И. МИКОЯН нутқи

Директорингиз берган қисқа ахборотни катта эътибор билан тингладик ва заводни кўриб чиқдик. Сизларнинг ҳисларингизни тушунмоқ учун чеҳраларингизга қарашнинг ўзи кифоя қилади. Сизларда Ироқ халқи учун, Ироқ революцияси учун миллий ифтихор ҳислари жўш урмоқда. Сизлар энди ўз заводингизнинг хўжайинлари бўлиб олганлигингиз ва уни ўзларингиз бошқараётганлигингиз учун фахрланмоқдасиз, чунки илгари заводни бошқаришга сизларни яқинлаштирмас эдилар.

Империалистлар Ироқ халқининг талантларини бўғиб қўйган эди. Бироқ, сизларнинг шонли 14-июль революциянгиз бўлганидан бери орадан икки йил ўтмасданоқ сизлар бу заводни ўзларингиз бошқарадиган бўлиб қолдингиз ва уни муваффақиятли равишда бошқараётганингиз кўриниб турибди. Ваҳоланки, бу завод мураккаб техника билан ускуналанган, юқори малакали инженерларни талаб қиладиган замонавий заводдир.

Сизлар ажнабий мутахассисларнинг ўрнида ишламоқдасиз. Менга айтишларига қараганда, ажнабий мутахассислар катта-катта маош олиб турган эканлар. Мен уларнинг ҳақида бирор ёмон гап айтмоқчи эмасман. Эҳтимол, улар ҳалол ишлаган кишилардир. Лекин уларнинг асосий муддаоси яхши маош олиш эди. Дуруст, ҳамма ходимларга ҳам маош тўлаб туриш керак. Лекин Ироқ революцияси ишига, халқ ишига хизмат қилиш сизларнинг асосий мақсадингиздир.

Мана шундай мураккаб замонавий заводни муваффақиятли равишда бошқариш тажрибаси сизлар ўз мамлакатингизда саноатнинг ҳамма тармоқларини муваффақиятли равишда ривожлантира олишингиз мумкинлигини, миллий экономикани ривожлантириш вазифасини ўз олдига қўйган бошқа халқларга бу ишда ўрнак бўлишингиз мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Совет мутахассислари ўз тажрибаларини сизлар билан баҳам кўриб, бу ишда сизга ёрдам бераётирлар, биз бунга хурсандмиз. Бизнинг мутахассисларимиз бу ерга катта маош олиш учун келган кишилар эмас. Улар ўз юртларида ҳам яхши иш ҳақи олмоқдалар. Улар сизларнинг таклифингизга биноан сизларга ёрдам кўрсатиш учун бу ерга келдилар. Улар совет ва Ироқ халқлари ўртасидаги дўстлик ҳислари билан руҳланиб ишлаётган кишилардир. Улар сизларнинг мамлакатингизда ҳозир ишлаб турган мансабларида узоқ қолмайдилар. Бизнинг мутахассисларимиз Ироқ халқининг ўзидан чиққан кадрларни юқори мансабга кўтаришга тўсқинлик қилмайдилар ва сизлар ўзларингизнинг миллий инженер-техник кадрларингизни тайёрлаб етиштиришингиз учун сизларга қанча вақт ёрдам бериш керак бўлса, бизнинг инженерларимиз шу керакли вақтгача ишлайдилар, холос. Сўнгра эса, улар сизлар билан яхши ўртоқлар ва дўстлар сингари қўл бериб хайрлашиб, ўз ватанига жўнайдилар.

(Охири тўртинчи бетда).

Н. С. ХРУШЧЕВ: БИЗ ҲАММАМИЗ РЯЗАНГА ҲАВАС-ЛА БОҚМОҚДАМИЗ

РЯЗАНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИДАН

Ўртоқ Н. С. Хрушчев партия Марказий Комитетининг декабрь (1959 йил) Пленумидаги нутқида: «Рязань область қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнатда катта қаҳрамонлик кўрсатганликларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Марказий Комитетнинг 1958 йил декабрь Пленумидан кейин область колхозлари ва совхозлари бир йил ичида гўшт етиштиришни 3,8 баравар ва давлатга гўшт сотишни уч баравар кўпайтириш мажбуриятини олдилар...

Рязань области давлатга пландаги 50 минг тонна ўрнига 150 минг тонна гўшт сотди. Шундай қилиб, уч йиллик план бажарилди. Шу билан бирга область колхозлари ва совхозлари чорва моллар сонини анча кўпайтирдилар» деган эди.

Ленин орденли Рязань область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил мамлакатга 200 минг тонна бултургидан 50 минг тонна ортиқ гўшт, 300 минг тонна сут сотиш учун курашмоқдалар.

Бу саҳифада рязанликларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантиришдаги тажрибаларига доир айрим материалларни ёритамиз.

Н. С. Хрушчев 1959 йил октябрь ойида рязанлик илғор хотин-қизлар делегациясини Кремлда қабул қилган эди. СУРАТДА: Н. С. Хрушчев Шиловский районидаги «Фундамент социализма» колхозининг сут соғувчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Прасковья Николаевна Коврова билан кўришмоқда.

Икки киши 85 гектарда

В. ФИЛЬЧАКОВ,
Кораблинский районидаги «Серп и молот» колхозининг механизациялашган звено бошлиғи

Колхозимиз қолоқ хўжаликлардан бири эди. Ҳар 100 гектар ер ҳисобига кўп деганда 10 центнердан гўшт етиштирардик.

Маккажўхори ҳосилини кўпайтира бориб, 1959 йилга келганда молларга етиб ва ортиб қоладиган ем-ҳашак запаси вужудга келтирамиз деб қатъий иш бошладик. Бултурги мажбуриятимиз катта эди. Ҳар 100 гектар ер ҳисобига 60 центнердан гўшт етиштириш осон иш эмас, албатта.

Колхоз правлениеси 1958 йилнинг кузида механизациялаштирилган звено учун ер, «Белорус» трактори, КНР-4,2 культиватори, маккажўхори йиғиштирадиган СК-2,6 комбайни, далага ўғит ташиб чиқариш учун тракторга тиркаладиган чана берди.

Маккажўхори экиладиган майдон кузда шудгор қилиб қўйилган эди. Қиши билан нам тўпланди. Биз илғорлар тажрибасини ўрганиб, астойдил ишлашга киришдик. Икки киши 85 гектар майдондаги маккажўхорини парвариш қилишимиз керак. Ҳолбуки, яқингинада шунча ердаги маккажўхорига 100 киши қарарди.

Баҳор келиши билан шудгорни бороналадик, кетидан икки марта культивация ўтказдик. Иккинчи культивация олдидан ерга чиритилган гўнг ва гектарига 2 центнердан минерал ўғит солдик.

ВИР-25 гибрид уруғи экдик. Бу сорт кам ҳосил беради, сўтаси кам бўлади деб айтишди. Лекин ҳамма гап меҳнатда экан. Аксинча, бу уруғ серҳосил бўлиб чиқди. Экиш олдидан уруғни офтобда қиздириб, турли касалликлардан сақлаш учун дорилаб чиқдик. Агроном ўртоқ Г. Шиманов билан бирга ернинг қизишини кузатиб турдик. Уруғ тушадиган чуқурлик 8 даража қизигач, экишни бошлаб юбордик.

Маккажўхорини режа сими билан экдик. Ҳар бир уяга икки-уч донадан уруғ ташлаш учун сеялканинг дискасини шунга мосладик.

Маккажўхори униб чиқиши билан бирга бегона ўтлар ҳам бош кўтариб қолди. Нима қилиш керак? Қандай қилсак ўтни йўқотиш мумкин, деб ўйланиб қолдик. Агроном борона қилиш керак, деб маслаҳат берди. Қўл билан ўтоқ қилмай, бегона ўтни йўқотдик.

Ёзда ёғингарчилик кўп бўлди. Ҳаво сал очилиши билан далага жўнаймиз. Колхоз агрономи ҳам ёнимизда. Ҳамиша у билан бамаслаҳат иш қилдик. Маккажўхори 2—3 та барг чиқаргач, биз кўндалангига ва узунасига культивацияни бошлаб юбордик.

Биз қатор оралари ишлатган КНР-4,2 культиватори махсус ўғит соладиган асбоб билан ҳам таъминланган. Шунинг учун иккинчи культивация вақтида ҳар гектар ҳисобига 2—2,5 центнердан суперфосфат солдик.

Учинчи культивация июлнинг ўрталарида маккажўхорининг бўйи бир ярим метрча чўзилиб қолганида ўтказилди. Бу — сўнгги культивация эди.

Механизация арзон ем-ҳашак етиштириш имкониятини берди. 1956 йилда гектаридан 318 центнердан, 1952 йилда эса бундан ҳам кам—218 центнердан ҳосил олинган эди. Биз техниканинг кучидан фойдаланиб, ҳам арзон, ҳам мўл-кўл ҳосил етиштирдик. Гектаридан 1125 центнердан думбул сўтаси билан кўкпоя олдик.

1600 чўчқа бўрдоқига

Чўчқабоқар А. Я. ИГНАТКИН ҳикоя қилади

Мен 5-йилқи заводининг Ромадановский бўлимидаги чўчқачилик фермасида бригадир бўлиб ишлардим. Лекин бундан кўнглим тўлмади. Чўчқаларни бўрдоқи қилишга, мамлакатга кўпроқ гўшт етказиб бериш ишига бевосита муносиб ҳисса қўшиш учун чўчқабоқар бўлишга аҳд қилдим.

Ромадановский фермасида менга алоҳида бино ажратиб беришди. Бу ердаги иккита чўчқахонада 150 та чўчқа боқилар эди. Мен бир ўзим 300 та чўчқа боқаман дедим. Чўчқа боқиладиган бино оддий типда бўлиб, ҳар бир катакда 50 тадан чўчқа асралар эди. Бу ерда охур ҳам йўқ эди. Чўчқалар қаерда турса, ўша ерга озуқа ташланарди. Ана шундай шароитда мажбуриятни бажаришим керак эди. Вазифа эса катта, 9 ойда 1000 та чўчқа боқиб, давлатга камида 70 тонна гўшт топширишим керак.

Ишни нимадан бошладим? Топширилган чўчқаларни ёшига, оғирлик-семизлигига қараб группаларга ажратдим. Бино жуда зах эди. Офтоб тушиши учун чўчқахонанинг шиферидан туйнук очдим. Сув оқиб кетадиган тарновларни тозалабгина қолмай, ювиб турдим. Чўчқахона озода бўлиб қолди ва нам қоча бошлади.

Аввалларида чўчқага қуруқ ҳашак бериларди. Шунинг учун чўчқа кўп нушхурт чиқариб, бир кунда атиги 450 грамм семирарди. Қандай қилсам яхшироқ семирар экан, деб ўйладим.

Ишга бошлаганимнинг иккинчи ойидан чўчқага озуқани диммлаб — сел олдириб беришга киришдим. Бунда анча қийиничиллар бўлди, чунки, у вақтда тажрибам кам эди, кейин мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ҳашак билан емни навбатлаб беришга кўчдим. Чўчқага бир кеча-кундузда бир бор димланган ҳашак, икки марта димланган ем бера бошладим. Бундан ташқари аралаш озуқани қозонда қайнатиб, унга 500—700 граммдан туз солдим, чўчқаларни ҳамма вақт тоза сув билан суғордим. Минерал витамин озуқа—бўр, трикальций фосфат, гўшт, суяк унн, қарағай шохи, шунингдек тупроқ ҳам бердим.

Шундан кейин чўчқалар хўра бўлиб қолди. Май ойига келиб, ҳар бир чўчқага бир кеча-кундузда 800 граммдан эт қўшила бошлади. Дастлабки муваффақият мени қувонтириб юборди. Мен чўчқаниг бундан ҳам кўпроқ семириши учун курашдим.

Чўчқа боқиш учун энг қулай пайт ёздир. Ёзда чўчқа гўшти таннархини арзонлаштириш учун қулайлик кўп бўлади. Чўчқаларга кўпроқ кўкат бериб семиртиришга интилдим. Истаганча себарга, беда, вика-сули аралашмаси ва маккажўхори кўкпояси бердим. Чўчқани кўпроқ ўтлатиб боқдим.

9 ой деганда мингта чўчқа қўлимдан ўтди. Шу вақт ичида чўчқалар 44 тонна семирди.

Чўчқа гўшти таннархини камайтириш учун меҳнат харажатларини анча қисқартиришга муваффақ бўлдим. Хўжалик бўйича бир центнер чўчқа гўштининг таннархи ўтган йили 965 сўм бўлса, мен 360 сўмга туширдим.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг ишини бутун совет халқи сингари мен ҳам зўр қизиқиш билан кузатиб бордим. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, гўшт етиштиришни кўпайтириш учун ҳали жуда катта резервлар бор. Львов областидаги Шевченко номли колхоз чўчқа боқувчиси Ярослав Чиж ўз иш тажрибаси тўғрисида сўзлаб берди. Унинг иши менга жуда маъқул тушди. Ҳозир Чиж тажрибаси асосида ишламоқдаман. Ўзбекистонда Ярослав Чиж изидан бораётган самарқандлик ўртоқ Ж. Султоновнинг муваффақиятлари тўғрисида эшитдик. Биз ҳам у билан мусобақалашсак соз бўлур эди.

Мен етти йилликнинг иккинчи йилида 1600 чўчқани бўрдоқи қилиб семиртираман. Ҳар бир центнер чўчқа гўштининг таннархи 300 сўмдан ортиқ бўлмайди. Шу кеча-кундузда 676 та чўчқа боқяпман, ҳар биттасининг кеча-кундузда камида 500 граммдан семиришига эришмоқдаман.

Чўчқа ҳақиқатан гўшт манбаи. Бир йилда 2—3 йиллик планни бажараман деган чорвадор чўчқа боқсин!

РАҚАМЛАР

Рязань қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари гўшт етиштириш ва давлатга сотишни йилдан-йилга кўпайтирмоқдалар. 1955 йилда областда 15.350 тонна гўшт тайёрланган бўлса, 1956 йилда 33.468 тонна, 1957 йилда 37.758 тонна, 1958 йилда эса 48.160 тонна гўшт тайёрланди. 1959 йилда областда гўшт етиштириш 3,8 баравар кўпайди ва давлатга 150 минг тонна ёки 1958 йилдагига нисбатан 3 баравар ортиқ гўшт сотилди.

* * *

Гўшт етиштириш ва давлатга топшириш кўпайиши билан бирга қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг пул даромаддари ҳам ортяпти. 1958 йилда давлатга 337 миллион 120 минг сўмлиқ гўшт сотилди. Етти йилликнинг биринчи йилида эса рязанликдар давлатга сотилган гўшт эвазига 1 миллиард 74 минг сўм пул олдилар.

* * *

Областда 1958 йилда ҳар 100 гектар ер ҳисобига бори-йўғи 10 центнердан гўшт етиштирилган бўлса, ўтган йили 54 центнердан гўшт етиштирилди. Кўпгина колхозларда ҳар 100 гектар ер ҳисобига давлатга 80—100 центнердан гўшт топширилди.

* * *

Шацкий районидаги Сталин номли колхоз ўтган йили ёзда қора молларнинг 6 та йирик подасини ўтлатиб боқди. Подалардан биттасида молбоқар Виктор Петрович Громов 80 та мол боқди. Ёз ойларида молларни яхши ўтлатган ўртоқ Громов ҳар бир молнинг бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 1,2 килограммдан семиришини таъминлади. Унинг подаси ёзда 14,5 тонна гўшт берди.

* * *

Ижевский районидаги «Дело Октября» колхозининг бузоқбоқари, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ксения Куприяновна Петухова ўз боқимидаги ҳар бир бузоқнинг бир кеча-кундузда 1150 граммгача семиришини таъминлади. Ўртоқ Петухова бошлиқ бригада 350 бош бузоқни боқиб, ўстириб берди. 6 ойдик ҳар бир бузоқнинг тирик вазни 250 килограмм келди.

* * *

Область 1959 йилда бошқа районларга чорва моллар жўнатишни 1958 йилга нисбатан 2,8 баравар кўпайтирди. Рязань область колхоз ва совхозларида бўрдоқи қилинган моллар мамлакатнинг 11 та халқ хўжалиги кенгашига—Москва шаҳар, Горький, Иваново, Ленинград, Ярославль ва бошқа хадқ хўжалиги кенгашларига қайта ишлаш учун жўнатилди.

* * *

Область колхозларида 1953 нилда ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 1129 килограммдан сут соғиб олинган эди. 1958 йилда бу рақам 3200 га кўтарилди. 1953 йилда область бўйича 62 минг тонна сут етиштирилган бўлса, 1958 йилда давлатга 295 минг тонна, 1959 йилда 300 минг тонна сут сотилди.

Сут соғувчилар ўртасида социалистик мусобақа ташаббусчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Прасковья Николаевна Коврова фермада ишлай бошлагандан буён бир ярим миллион килограммдан ортиқроқ сут соғиб олди.

* * *

Жамоат маҳсулдор чорвачилигини ўстириш учун янги-янги кишилар фермаларга келмоқдалар. Ҳозир область колхоз ва совхозларининг фермаларида 7 минг коммунист, 50 минг комсомол йигит-қиз ишламоқда, улардан 10 минг киши ўрта маълумотли. Хотин-қизлар чорвачиликда ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Рязань областидаги чорвачилик фермаларида ишлаётган барча ходимларнинг 80 процентдан зиёдроғи хотин-қиздардир.

* * *

Кўпгина колхоз комсомол ташкилотлари олинган мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишини таъминлаш учун тўла составда фермада ишлашга ўтдилар. Қизлардан 6,5 минг киши сут соғувчи, 2870 киши чўчқабоқар, 3500 киши бузоқбоқар, 1800 киши паррандабоқар бўлиб ишлаяпти.

ҲАММА ГАП КИШИЛАРДА

(КПСС Сасовский район комитетининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Н. КАБАНОВ билан суҳбат).

<>

КПСС Марказий Комитети декабрь (1959) Пленумида партия, ҳукуматимиз, шахсан Никита Сергеевич Хрушчев рязанликларнинг меҳнатига юксак баҳо бердилар. Бундан илҳомланган Сасовский районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1960 йилда давлатга 12.500 тонна гўшт сотишга сўз бердиларки, бу — уч йиллик пландагидан ҳам ортиқдир.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш учун курашда шу йилнинг дастлабки ойларидаёқ кувончли якунларга эришилди. Район давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планини 25 январда бажарди, 1 мартда эса иккинчи квартал планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Ўтган йили мамлакатга ҳар қачонгидан кўпроқ гўшт етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш учун кураш давомида райондаги раҳбар кадрлар, чорвадорлар, барча коммунистлар яхши имтиҳондан ўтдилар, бой гажриба тўпладилар, омма ўртасида ташкилотчилик ва оммавий ишларни олиб боришда тажриба орттирилди. Колхозчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш учун куч-қуввати етишига ишонч зўрайди. Ҳозир қишлоқ меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йилида олган мажбуриятлари ҳам муваффақиятли бажарилишига қаттиқ ишонган ҳолда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш суръатларини борган сари кучайтириш учун ғайрат билан ишлаётирлар. Биз Сасовский районини областнинг энг илғор районларидан бирига айлантирамиз деган шиор ташладик. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишларда чорвадорлар моллари боқиб семиртириш юзасидан ўз зиммаларига янги, оширилган мажбуриятлар олишди.

Биз моллар сонини кескин даражада кўпайтириш асосида давлатга гўшт сотиш юзасидан 1960 йилнинг биринчи ва иккинчи квартал планини 2—3 ойдаёқ муваффақиятли бажардик. 1960 йилнинг бошида 6100 чўчқа, 3500 қорамол боқувда эди. Бошқача қилиб айтганда шу йилнинг январь ойида 1959 йилнинг 1 январига нисбатан боқувга қўйилган моллар сони 1,8 баравар ортиқ эди.

Район партия ташкилоти кишилар ўртасида зўр ташкилий ва оммавий-сиёсий иш олиб бормоқда, бу — 1960 йилда олинган мажбуриятларни ҳам муваффақиятли бажаришнинг асосий шартидир. Бизда оммавий-сиёсий ва ташкилий ишлар маълум мақсадга қаратилгандир. Мажбуриятларни олиш олдидан барча колхоз ва совхозларда йиғилишлар бўлиб ўтди. Бунда колхозчилар мажбуриятларни олдин ўйлаб кўриб, унга айрим ўзгариш ва тузатишлар киритдилар. Ана шу йиғилишларда колхоз ва совхозларда гўшт етиштиришни янада кўпайтириш учун қандай резервлар борлиги аниқланди. «Прогресс» колхозининг правлениеси дастлаб давлатга 250 тонна гўшт сотишни мўлжаллаган эди. Колхозчиларнинг умумий йиғилиши эса 250 эмас, 340 тонна гўшт сотиш мажбуриятини олди. Эндиликда улар ўз сўзларини амалий иш билан мустаҳкамламоқдалар, давлат га гўшт сотиш юзасидан икки квартал планини муддатидан илгари бажариб, ҳозир учинчи квартал ҳисобига гўшт етиштирмоқдалар.

Қишлоқ коммунистлари катта иш учун курашнинг авангарди бўлмоқдалар. Шу кеча-кундузда район колхоз ва совхозларида партия аъзоларидан 1227 киши ишлаётир. Агар илгари чорвачилик фермаларидан фақат бештасига коммунистлар бошчилик қилган бўлса, эндиликда фермага раҳбарлик қилаётган коммунистлар сони 78 дан ортиб кетди. 700 дан зиёдроқ коммунист сут соғувчи, бузоқбоқар, чўчқабоқар, молбоқар, бригадир бўлиб ишлайди.

Ленин номли колхозда чорвачилик асосий тормоқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам артель коммунистлари чорвачиликни ўз қўлларига олдилар. Ҳозир колхоздаги 56 коммунистдан 42 киши бевосита фермаларда ишлайди. Фермаларда партия группалари тузилган. Партия группаси чорвадорларнинг юраги бўлиб қолди. Коммунистлар илғор тажрибаларни оммалаштирмоқдалар, илғор хўжаликларга экскурсия қилмоқдалар.

Н. Н. КАБАНОВ.

Район партия ташкилоти фермаларни чорвадор кадрлар билан мустаҳкамлашни давом эттирмоқда. Фақатгина шу йилнинг ўзида коммунистлардан яна 150 киши фермада ишлашга келди.

Чорвадорлар билан ишлаш партия ташкилотининг диққат марказида турибди. Чорвадорлар учун мунтазам равишда лекция, докладлар уюштирилади. Агитаторлар суҳбат ўтказар эканлар, фермадаги ҳар бир ходимнинг юрагига бориб етадиган сўз топишга, унинг фикри-зикри, эҳтиёжини билишга интиладилар. Кўпгина илғор чорвадорларнинг ўзлари агитатор деса бўлади. Улар ўз тажрибаларини ҳавас билан сўзлаб берадилар, меҳнатда шахсан ибрат кўрсатиб, бошқаларни яхшироқ ишлашга руҳлантирадилар.

Барча чорвачилик фермаларида партия ташкилотчилари бор. Бу ташкилотчилар катта оммавий-сиёсий иш олиб борадилар, олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини бевосита назорат қилиб турадилар, колхоз правлениеси ва партия ташкилотига мавжуд имконият ва резервлардан тўлароқ фойдаланишда кўмаклашадилар.

Район партия комитети колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни уюштиришда бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бериш мақсадида ҳар ойда шаҳардан колхозларга лекторлар ва докладчилар юборилишига эришмоқда. Улар колхозларга 3—5 кунлик муддат билан келиб, қишлоқдаги ҳар бир меҳнаткаш билан суҳбатлашишга ҳаракат қиладилар.

Ташкилий ишда илғорларни рағбатлантиришга кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди. «Родина» колхози паррандачилик фермасининг мудири Л. Герасева бу йил районда биринчи бўлиб ўрдакларнинг қишда тухум қилишига эришди. Колхоз февраль ойининг бошларидаёқ 600 та ўрдак боласи олди. Ўртоқ Герасеванинг бундай яхши иши район партия комитетининг бюро мажлисида махсус муҳокама қилинди, унинг иш тажрибаларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш барча колхозларга тавсия этилди. Қиш давида паррандалардан кўп тухум олаётган парранда боқарларни моддий жиҳатдан кўпроқ рағбатлантириш чоралари кўрилди.

Район партия комитети кадрларнинг иқтисодий билимини оширишга катта эътибор билан қарамоқда. Районда қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш юзасидан икки йиллик мактаб ташкил қилинган. Бунда партия ва совет активлари ўқийди, колхоз раислари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари учун семинар ташкил этилган.

КПСС район комитети ҳузурида илғор тажриба мактаби очилган. Бу ерда илғор тажрибалар, яхши ташаббуслар ўрганилади ва оммалаштирилади. Илғор тажриба мактаби қолоқ колхозларга ёрдам кўрсатиш чорасини кўрмоқда. Масалан, районда илғор чўчқачилик фермасининг мудири ўртоқ Андрюхина яқинда «Шаг в коммуна», «Добрая надежда» колхозларига бориб амалий ёрдам кўрсатди. Бу колхозлар яқин вақтгача гўшт етиштиришда қолоқ эди. Ўртоқ Андрюхина бу хўжаликларда бир неча кун бўлиб, чўчқабоқарларга амалий ёрдам кўрсатди, чўчқаларни қандай боқиш кераклигини ўргатди. Унинг ўз иши тўғрисидаги ҳикоялари, чўчқани мана бундай боқиш керак деб қилган амалий иши ижобий натижалар бераётир. Ҳозирги вақтда ҳалиги колхозлар чўчқа гўшти етиштиришда анча яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Район партия ташкилоти гўшт етиштиришни янада кўпайтириш истиқболларига алоҳида эътибор бераётир. Колхоз ва совхозларда чўчқаларни ёзда бўрдоқига боқадиган лагерлар қурилмоқда, қора молларни ўтлатиб боқиш учун подалар тузилмоқда. Районда урчитиб кўпайтириш, шунингдек ёш моллари аҳолидан сотиб олиш ҳисобига моллар туёғини ошириш учун катта иш қилинаётир.

Совет халқи етти йилликнинг иккинчи йилида ажойиб меҳнат ғалабаларига эришмоқда. Биз, ўзбек пахтакорларининг бу йил мамлакатга 3 миллион 170 минг тонна пахта ва ҳар қачонгидан кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун астойдил курашаётганликларини эшитиб қувонмоқдамиз.

Рязанликлар атоқли ўзбек пахтакорлари — уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ғанишер Юнусов, Меликўзи Умурзоқов, Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, машҳур чорвадор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жобой Балиманов ва бошқа кишиларни яхши билишади. Биз бу йил гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш учун курашда ҳам янгидан-янги меҳнат қаҳрамонлари етишиб чиқишига қаттиқ ишонамиз.

БИР ТАН, БИР ЖОНМИЗ

А. И. ЕФРЕМОВА
Шиловский районидаги Киров номли колхоз раиси

Ҳаммамизнинг бошимизга бир улуғ офтоб — барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси шонли Ленин партияси нур сочмоқда. Ҳаммамизнинг мақсадимиз бир — тинч ҳаёт кечириш, фидокорона меҳнат қилиб, коммунизм муҳташам биносини қуриш. Демак, улуғ Советлар оиласига ўз хоҳишила уюшган барча халқлар — руслар ва ўзбеклар, қирғизлар ва арманлар, грузинлар ва украинлар — ҳаммамиз бир жон, бир танмиз.

Ўтган йили областимиз гўшт етиштиришни мисли кўрилмаган даражада кўпайтириб, ажойиб ғалабани қўлга киритди. Областимизга ҳамма ҳавас билан қарамоқда. Қардош республикалардан ва халқ демократияси мамлакатларидан делегациялар келиб, иш тажрибаларимизни ўрганиб кетишмоқда. Биз дўстларимизга ютуқларимизнинг «сири»ни жон деб сўзлаб бермоқдамиз.

Сут ва гўшт етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшаётган рязанлик хотин-қизлар уларнинг эгнидаги энг нафис кийимларнинг арқоғи ўзбек пахтасидан, ўзбек пилласидан тўқилганлигини яхши биладилар. Бултур ўзбек халқи мамлакатга 3 миллион тоннадан ортиқ пахта етказиб бериб, рязанликлар сингари катта муваффақиятни қўлга киритди. Биз ўз муваффақиятларимиздан қанчалик қувонсак, дўстларимизнинг ғалабаси билан ҳам шунчалик қонуний фахрланамиз.

Ўтган йили Октябрь ойида Москва Кремлида рязанлик хотин-қизларнинг делегацияси бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси қадрдон Никита Сергеевич Хрушчев биз хотин-қизларни қабул қилар экан, озод меҳнат совет хотин-қизларини улуғлаётганлигини айтди. Дарҳақиқат, ҳар биримизнинг қадру қийматимиз меҳнат билан ортмоқда.

Рязань ўзининг ажойиб сут соғувчилари ва бузоқбоқарлари билан машҳур бўлса, Ўзбекистон чевар қизлари билан ҳам бутун дунёга танилгандир. Биз ўзбек хотин-қизлари ўртасидан чиққан биринчи механик-ҳайдовчи, ўтган йили мавсумда 200 тоннадан ортиқ пахта терган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг номини яхши биламиз.

Ўтмишда барча инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилган Шарқ хотин-қизлари, шу жумладан ўзбек хотин-қизлари фақат совет замонасида эркин нафас ола бошладилар. Коммунистик партия ҳаммамизни бир-биримизга дўст, эзачи-сингил, бир-биримизга қон-қардош қилиб камолга етказди. Ўзбеклар ва бири-бирига шогирд, бири-бирига устод деган жуда яхши гап бор экан. Ҳақиқатан совет халқлари бири-биридан ўрганади, бири-бирига ўргатади.

Дугоналар, келинглар мусобақалашайлик. Тажрибаларимизни оммалаштирайлик. Коммунистик мўл-кўлчилик учун курашда ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб ишлайлик!

РАҚАМЛАР

Колхоз ва совхозлар ўтган йили давлатга 150 минг тонна гўшт сотиб, ўз мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Шу йил март ойида жамоат фермаларида боқиш ва бир марта бола олиш учун 120 минг чўчқа ажратилди. 1960 йилнинг биринчи ярмида урғочи чўчқалардан камида 700 минг бола олинади. Бу йил область давлатга 200 минг тонна гўшт сотиш ёки нарийб 3,5 йиллик планни бажариш мажбуриятини олди. Колхозлар ҳар бир сигирдан 3200 килограммдан, совхозлар эса 3400 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқдалар.

* * *

Ухоловский районида 12 та колхоз бор. Шундан 7 тасига хотин-қизлар раислик қиладилар. Уларнинг ҳар бири ё агроном, ё зоотехник.

* * *

Шиловский районидаги Киров номли колхоз чўчқачилик фермасида 1160 центнер чўчқа гўшти етиштирди. Бошқача қилиб айтганда, колхоз ўтган йили ҳар 100 гектар ҳисобига 87 центнердан — 1958 йилдагига нисбатан 40 центнер ортиқ чўчқа гўшти етиштирди.

А. ЕЛИСЕЕВА.

Бузоқ 6 ойлик бўлгунча унга ҳаммаси бўлиб, қаймоғи олинмаган 250 килограммгача сут, қаймоғи олинган 400 килограмм сут ва айрон, 12—15 килограмм сули, 150 килограммга яқин концентрат берилади, бошқа озиқ-овқат бунга кирмайди.

Бузоқларни туғилганидан кейин 5—7 кун ўтгач, аҳволига қараб ҳашак ейишга ўргатамиз, 2—3 кунлигиданоқ иссиқ сув ичирамиз. Лекин сувнинг иссиқлиги 30—35 даражадан кам бўлмаслиги керак. Бузоқ 1—2 ойлик бўлгандан кейингина совуқ сув ичира бошлаймиз.

Агар бузоқнинг ичи бузилиб қолса, камроқ сув бериб, ўрнига қайноқ сув ичирамиз. Пичанни димлаб берамиз, агар бу ҳам кор қилмаса, биомицин билан даволаймиз, бу соҳада ветеринария врачидан ёрдам сўраймиз.

Менинг ишимда ҳеч қандай сир йўқ, деб ўйлайман. Бошқа бузоқбоқарлар қандай ишласа, мен ҳам шундай ишлайман, зоотехник билан маслаҳатлашиб тураман.

БУЗОҚ БОҚИШДА ЯНГИ УСУЛ

А. ЕЛИСЕЕВА
Милославский районидаги «Путь Ильича» колхозининг бузоқ боқувчиси

<>

Ўтган йили областимиз давлатга 150 минг тонна гўшт топширди. Мен 125 бузоқни боқиб семиртирдим. Партия, ҳукуматимиз кўплар қатори менинг меҳнатимга ҳам юксак баҳо бердилар. Яқинда Ленин ордени билан мукофотландим.

Бу мени янада яхшироқ ишлашга илҳомлантирмоқда. Шунинг учун ҳам бу йил 150 та бузоқни олти ойликкача боқиб, ҳар биринкинг бир кеча-кундузда камида 1000—1100 граммдан семиришини таъминлайман дедим. Ҳозир 70 та бузоқ боқиб ҳар бирини бир кеча-кундузда 800—900 граммдан семиртирмоқдаман.

Мен илгари ҳам бузоқ боқардим, лекин йилига 25—30 та, холос. Кейин Аня Костикованинг тажрибасини ўргандим. Колхоз правлениесига бу иш маъқул тушиб, менга ёрдам бера бошлади. Даставвал колхоз правлениесидан бузоқ боқадиган жойни қайта жиҳозлашни сўрадим. Илгари охурлар кичкина эди, ўрнига узун охурлар ўрнатдик. Бузоқхона ҳамиша қуруқ ва иссиқ, дераза-ларининг ойнаси бутун. Бир ярим-икки ойлик бўлган бузоқларни қўйни бинога, алоҳида катакларга олиб ўтамиз ва ҳар беш-тасини бир ерда боқамиз. Биз ҳар бир группадаги бузоқнинг катта-кичик бўлмаслигига ҳаракат қиламиз.

Икки ярим ойликдан кичик бўлмаган, лекин уч ярим-тўрт ойлик бузоқларнинг ҳар 10 тасидан яна алоҳида группа тузамиз. Бу ерда ҳам бузоқлар тенг бўлади. Ёш моллар 3,5—4 ойлик бўлгач, учинчи хонага ўтказиб, боғламасдан боқамиз.

Бундай боқиш қандай натижа бераётир?

Биринчидан, мен илгаригидек 6—7 ой эмас, йил бўйи ишлайман ва 150 та бузоқни бирданига эмас, сут соғувчилардан олиб боқавераман. Лекин бир маҳалда 75—80 тадан ортиқ бузоқ боқилмайди. Шунинг учун бир йилда 130—150 та бузоқни бемалол боқоламан. Бугун сут соғувчилар менга қанча бузоқни топширишган бўлса, менинг катта бузоқларим группада шунча бўлади. Бузоқлар 6 ойлик бўлгач, яна семиртириш учун молбоқарларга топширилади. Шундай қилиб, бузоқ боқиш конвейер усулида боради.

Иккинчидан, эскича усул билан ишлаганимда фақат битта группадаги 25—30 та бузоқни ўстиришгагина вақтим кетарди. Бу бузоқларнинг ёши тенг бўлмаганлигидан ҳар бирини алоҳида-алоҳида боқишга тўғри келар эди. Ҳозир аҳвол бошқача. Биз жиҳозлаган «ошхона» бир маҳалда 10—12 та, хатто ундан ортиқ бузоқни тўйдириш имкониятини беради. Бу вақтдан тежаш—меҳнат унумдорлигини ошириш, бинобарин, мол гўшти таннархини арзонлаштириш деган гапдир.

Бузоқни тўғри боқишга, айниқса, жиддий эътибор бериш керак. Бузоқка унинг ёшини ҳисобга олиб овқат берамиз. Рационга, кун тартибига аниқ риоя қилинади. Ҳар бир бузоқ туғилгандан кейинги биринчи ойда қаймоғи олинмаган 180—185 килограмм сут, ёғи олинган 15 килограмм сут ичади. 100 грамм туз ва бўр берилади, сифатли пичанни истаганча берамиз.

Иккинчи ойлигида қаймоғи олинмаган сут нормаси 65—62 килограммгача камаяди. Бунинг ўрнига ёғи олинган сут ёки айрон кўпайтирилади, рационга сули, илдиз мева, картошка киритилади, туз ва бўр нормаси 300 граммгача кўпайтирилади.

Биз бузоқларга сулини бошқачароқ қилиб берамиз. Сулини иссиқ сув билан ивитамиз. Уни шундай ивитиш керакки, сув сули сатҳидан тахминан бир сантиметрча юқорироқда турсин. Шундан кейин бир соатча тиндирамиз. Сули кўпгач, икки кафтимиз билан эзиб, пўстини чиқарамиз. Сулининг сути 3—4 ойликдан кам бўлмаган бузоқларга берилади, турпи эса сигирларга едирилади. 3—4 ойликдан катта бўлган бузоқларга сули сути турпи билан берилаверади. Бўтқаги туз ва бўр қўшамиз.

Бузоқ икки ойлик бўлганида ва учинчи ойнинг бошларида қаймоғи олинмаган сут беришни тўхтатамиз.

ЗАИФ АРТЕЛЬ ЎРНИДА КОМБИНАТ

АНДИЖОН ЁҒОЧ БУЮМЛАРИ КОМБИНАТИ ДИРЕКТОРИ
Ҳ. САИДХЎЖАЕВ ҲИКОЯСИ

Корхонамиз комбинатга айланганига тўрт йилча бўлди. Артелда неча йиллардан бери қилинган ишлар ҳам бир бўлди-ю, комбинат давридаги ишлар ҳам бир бўлди. Нега дейсизми? Қулоқ беринг: 1955 йилда 4,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эдик. Бултур 9,3 миллион сўмлик мебель чиқардик. Бу йилги мўлжалимиз — 12,3 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш.

Ҳунармандчилик артели область ижроия комитети саноат бошқармасининг комбинатига айлангандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнларининг бешдан тўрт қисми механизациялаштирилди. Артелда эса ишларнинг 80 проценти қўлда бажариларди. Комбинат ҳавлисининг турли томонларига қараб ўтказилган темир йўлда вагонеткалар ҳомашё ташиб бермоқда.

Комбинат поток усулда ишлашга кўчди. Артелдаги 5—10 кишилик бригада усули меҳнат унумдорлигини оширишга тўсқинлик қилар эди. Энди мебель деталларини тайёрлаш, йиғиш ва пардозлаш ишлари ихтисослаштирилди.

Артелда ҳар бир ҳунарманд кўпи билан 500 сўм маош олар эди. Ҳозир комбинатда ўртача иш ҳақи — 900 сўм. Еттинчи разрядли мастерлар эса 1800 сўмгача олаётирлар.

Илгари ҳунармандларимиз 40 хилдан ортиқ маҳсулот чиқарар, унинг сифатидан ўзимизнинг ҳам, харидорнинг ҳам кўнгли тўлмас эди. Энди биз маҳсулот турларини камайтириб, сифатини яхшилашга зўр бердик. Бултур ва бу йил маҳсулот сифати ёмон деган шикоятни ҳеч кимдан эшитмадик.

Комбинатимиз катта, бадавлат хўжаликка айланди, ишчи ва хизматчиларга ғамхўрлик тобора ортиб бораётир. Ўтган йили 14 кишига ер участкаси олиб берган эдик. Уй қурувчиларга директор фондидан ва касаба союз комитети маблағидан бинокорлик материаллари олишга қарашиб юбордик. Улардан 9 таси уйни битказиб, кўчиб кирди.

Комбинатимиз коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги ва 1 Май шарафига вахтада туриб ишлаб, биринчи квартал планини 108 процент бажарди. Ҳозир ҳаммамизнинг фикри-зикримиз апрель ойи планини 22 апрелда бажаришда.

Тайёрлов цехидан Нуъмон Исомиддинов, Юсуф Демедеминов, пилорама цехидан Қосимохун Раҳимов, Абдулҳай Ғаниев, Аҳмад Файзуллин, пардозлаш цехидан Сотқиной Ашурова, Муҳаммаджон Тўхтамуродов сингари ўртоқлар ўз нормаларини бир ярим-икки ҳисса дан адо этиб, мусобақа пешқадамлари сафида бораётирлар.

Бу ютуқларнинг ҳаммасига собиқ «Стахановец» артели давлат корхонасига айлантирилганлиги туфайли, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг катта мадади туфайли эришдик.

ЯХШИ

БУХОРО. Қизилтепа районидаги Карл Маркс номли колхозда янги аптека очилди. Колхозчилар дори-дармон олиш учун илгари 26 километр йўл босиб, район марказига борардилар. Энди колхоз ўз дорихонасига эга бўлди.

К. Ҳамроев.

* * *

Қўқон шаҳар Советининг ташаббуси билан Фурқат кўчасида икки қаватли янги туғруқхона бино қилиб, яхшилаб жиҳозлантирилди.

Ғ. Раҳмонов.

Янги шаҳарча

Горчаково посёлкасига биринчи марта келган киши ҳайрон қолади: бу ерда янги шаҳарча қуриляптими, деб ўйлайди. Чиндан ҳам бу ерда кейинги икки йил орасида икки юздан ортиқ хўжалик янги уй қурди.

Ф. ҲАСАНОВ.

Тошкентдаги моделлар уйида кўкламги ва ёзги кийимлар кўргазмаси очилди. Бунда эркак, аёл ва болаларнинг костюм, кўйлак ҳамда бошқа кийимларидан юздан ортиқ хили бор. Кўргазмага келинг. Унда сиз ўзингизга, ўғил-қизларингизга ёқадиган кийим нусхасини танлаб олишингиз мумкин. СУРАТДА: болалар кийими моделлари ёнида.

Б. МАЗУР фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IV да **Масхарабозлар**, 15/IV да **Зайнаб ва Омон**. СССР халқ артистлари **Ҳалима Носирова** ва **Саодат Қобилова** қатнашади. Дирижёр — СССР халқ артисти **Мухтор Ашрафий**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IV да **Фурқат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IV да **Ватан ишқи**, 15/IV да **Ошиқ Ғариб**. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова** ва **Абдуғафур Абдураҳмонов** қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ўзбек цирки артистларининг гастроллари**. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Шўх қайрилишлар (кенг экранли бадиий фильм) — «ВАТАН» (эрталаб соат 11-20 минут, кундуз 1, 3, кеч 5 ва 10 яримда), «МИР» (эрталаб 10, кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6 да), «ФЕСТИВАЛЬ (кеч 8-20 минут ва 10 да).

Хўрланганлар — «ВАТАН» (2-серия кеч соат 7 ва 9 да).

Денгизчи соҳилга тушади — «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, кеч 5, 7 ва 9 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 4 ва кеч 10 да).

Яшил арава — СОБИР РАҲИМОВ номли, «СПУТНИК» (2-залда), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (кеч соат 8 ва 10 да).

Чевар Марья — «СПУТНИК» (1-залда кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, кеч 6-15 минут ва 8 да).

Ленин Октябрда — «ВАТАН» (эрталаб соат 9-40 минутда).

Биринчи кун — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Ульяновлар оиласи — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 9-50 минутда).

Милтиқли киши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

ОЛАМДА НИМА ГАП?

МИЛАНДА ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

МИЛАН, 12 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда Миланда 38-Халқаро ярмарка расмий равишда очилди. Унда Италиядаги ва чет эллардаги 14 минг фирма ўз маҳсулотларининг намуналарини кўрсатади. Ярмаркада 56 давлат, шу жумладан СССР, АҚШ, Англия, Франция, Италия, Германия Федератив Республикаси, Ҳиндистон, Польша, Венгрия, Румыния, Чехословакия қатнашмоқда.

Милан ярмаркасида бешинчи марта қатнашаётган Совет Иттифоқидан 18 ташқи савдо бирлашмаси: «Машиноэкспорт», «Союзпромэкспорт», «Экспортлес», «Продинторг», «Союзпушнина» ва бошқа бирлашмалар ўз маҳсулотлари намуналарини қўйганлар.

НАВБАТДАГИ МАЖЛИСДА

ЖЕНЕВА, 12 апрель (ТАСС). Бугун совет вакилининг раислигида ядро қуроли синовларини тўхтатиш ҳақида уч давлат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда қараб чиқиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар муҳокама қилинди. Навбатдаги мажлис эртага бўлади.

Ирқий камситиш йўқолсин

Англия либераллар партиясининг кенгаши Лондонда ҳар квартада бўладиган ўз мажлисида катта кўпчилик овоз билан резолюция қабул қилди. Бу резолюцияда Англия ҳукумати Жанубий Африка Иттифоқига етказиб бериладиган қурол-яроғдан мамлакатнинг туб жой аҳолисига қарши фойдаланишга йўл қўймаслик учун Жанубий Африка Иттифоқига қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаб қўйиши керак, дейилади. Резолюцияда яна шу гап ҳам айтилганки, Англия ҳукумати миллатлар ҳамкорлиги мамлакатлари бош министрларининг яқинда бўладиган конференциясида ва бошқа халқаро учрашувларнинг ҳаммасида Жанубий Африка Иттифоқи ҳукуматининг ирқчилик сиёсатини ошкора қоралаши лозим.

Англия автомобиль саноати ишчилари миллий касаба союзининг ижроия комитети Манчестерда резолюция қабул қилиб, бунда Жанубий Африка Иттифоқи ҳукумати африкаликларнинг қонуний талабларини рад қилмоқ учун уларга нисбатан жазо чораларини кўрмоқчи бўлаётганлиги ҳаммани ташвишга солиб қўйганлиги билдирилади.

Қишлоқ хўжалик ишчилари миллий касаба союзининг бош секретари Коллисон Херефордда (Англия) қишлоқ хўжалик ишчилари митингида нутқ сўзлаб, Жанубий Африка Иттифоқи ҳукумати кўпчилик билан ошкора куч қўлланилаётганлиги учун, албатта, қораланиши керак, деди. Коллисон Жанубий Африка Иттифоқига полиция давлати, деб баҳо берди. Коллисон, Жанубий Африка Иттифоқи ҳукумати ҳамма кишилар қандай ирққа мансуб бўлишларидан ва баданларининг туси қандай бўлишидан қатъи назар, мамлакатнинг социал ҳаётида тенг асосларда қатнашиш ва ҳамкорлик қилишга ҳақли эканликларини эътироф қилиши лозим, деди.

Англия парламентининг аъзоси лейборист Десмонд Доннели ўзининг сайлов округи Пембрукда (Жанубий Уэльс) бўлган лейбористлар йиғилишида нутқ сўзлаб, Жанубий Африка Иттифоқида африкалик аҳолига тўла ҳуқуқлар берилиши керак, деди. У, Жанубий Африка Иттифоқининг африкаликдан бўлган бош министрини Лондонда табрик қиладиган кун келишини сабрсизлик билан кутмоқдаман, деди.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Сан-Францискодан хабар беради: Ғарбий соҳилдаги порт юкчилари ва склад ишчилари касаба союзи Жанубий Африка Иттифоқидан келаётган ва Жанубий Африка Иттифоқига юбориладиган ҳамма юкларга нисбатан бойкот эълон қилишга чақириб, резолюция қабул қилди. Резолюцияда бундай дейилади: «Ҳар бир соф виждонли америкалик киши ҳозир Жанубий Африкада гуноҳсиз эркаклар, хотинлар ва болалар ўлдирилаётганлигини эшитиб, ларзага келмоқда». Юкчилар Америкадаги юк машиналарининг шоферларини ва шарқий соҳилдаги портларнинг юкчиларини ҳам шу бойкотга қўшилишга чақирадилар.

Элизабетвилдаги (Бельгия Конгоси) маҳаллий университет студентлари Жанубий Африка Иттифоқидаги репрессияларга қарши норозилик намойиши ташкил қилдилар. Шаҳардаги бошқа ўқув юртларининг студентлари ҳам бу намойишга қўшилди. Намойиш қатнашчилари «Ирқий камситиш йўқолсин!», «Африка — африкаликларники!», «Яшасин мустақил Африка!» деган шиорлар ёзилган транспарантларни кўтариб, Жанубий Африка Иттифоқининг элчихонаси олдида тўпландилар ва мустамлакачилар Африка аҳолисини қонли қийноққа солаётганлигидан ўзларининг ғазабланганликларини билдирдилар. (ТАСС).

ФАВҚУЛОДДА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг министри Теодор Оберлендернинг жиноятларини текшириш юзасидан материаллар совет матбуотида эълон қилинганидан кейин, Германия Демократик Республикасининг текширишли маъмурлари Фавқулодда давлат комиссиясига мурожаат қилиб, Оберлендер иши юзасидан текшириш материалларини уларга топширишни илтимос қилган эди.

Фавқулодда давлат комиссияси Германия Демократик Республикаси маъмурларининг илтимосига мувофиқ, бу материалларни уларга топширди.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

ЖАЗОИР РЕСПУБЛИКАСИ МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 12 апрель. (ТАСС). Қоҳира радиосининг билдиришича, Жазоир Республикасининг муваққат ҳукумати расмий баёнот эълон қилган. Баёнотда айтилишича, ҳукумат Жазоир халқи томонида туриб, француз империализмига қарши жанг қилишни истаган кўнгиллиларни бошқа мамлакатлардан қабул этишга қарор қилган.

СЕАТО МАНЕВРЛАР ЎТКАЗМОҚЧИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 апрель. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Бангкокдан хабар қилишича, 28 апрелда СЕАТО мамлакатларининг маневрлари — «Силайон операцияси» бошланади. Бунда 60 дан ортиқ ҳарбий кема ва 100 самолёт қатнашади.

«Силайон операцияси» бир қанча ҳарбий маневрлар таркибига киради. Бу маневрларнинг мақсади «СЕАТО қуролли кучларининг координация ва ҳамкорлигини текширишдан» иборатдир.

ТАЙВАНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАНҚИСЛИГИ

ПЕКИН, 12 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар қилади:

Тайбэйдан хабар қилишларича, Тайванда озиқ-овқат танқислиги сезилмоқда. Гуруч нархи тез ошмоқда. Тайванда кейинги 50 йил ичида бу қадар жиддий озиқ-овқат танқислиги бўлмаган.

ЛИ СИН МАНГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

НЬЮ-ЙОРК, 12 апрель. (ТАСС). Жанубий Кореяда 15 мартда ўтказилган «президент сайловлари» вақтида полиция билан намойишчилар ўртасида қонли тўқнашув рўй берган Масан шаҳрида кеча ҳукуматга қарши янги намойиш бошланди. Намойишда бир неча минг киши қатнашди.

Бундан бир ой илгари бўлганидек, полиция намойишчиларга қарши қурол ишлатди, натижада бир йигит ўлдирилди ва бошқа уч йигит оғир ярадор бўлди.

«ҒАРБНИНГ ЯГОНА ПОЗИЦИЯСИ»

ВАШИНГТОН, 12 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда Ғарбий мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг кенгаши очилди. Кенгаш тўрт буюк давлат раҳбарларининг шу йил май ойида Парижда бўладиган учрашувида «Ғарбнинг ягона позицияси»ни ишлаб чиқишга бағишланган. Кенгашда Америка Қўшма Штатлари давлат секретари Гертер, Англия ташқи ишлар министри Ллойд ва Франция ташқи ишлар министри Кув де Мюрвилдан ташқари Канада, Италия ва Германия Федератив Республикасининг Вашингтонга келган ташқи ишлар министрлари ҳамда НАТО бош секретари Спаак ҳам қатнашадилар.

А. И. МИКОЯН ДОРАДАГИ ЗАВОДДА

(Боши иккинчи бетда).

Ўтган йил бу ерда совет мутахассисларидан 24 киши ишлар эди, ҳозир эса 9 киши қолди. Бироқ, завод аввалгидек яхши ишламоқда. Тез фурсатда сизлар совет мутахассисларининг ёрдамисиз ҳам ишлайдиган бўлиб қоласиз. Бунга қанчалик тез эришсангиз, биз сизлар билан бирга шунчалик кўп хурсанд бўламиз. Сизлар заводни бошқаришни муваффақиятли равишда эгаллаб олганлигингиз билан фахрланасиз, бизнинг мутахассисларимиз бўлса, ўз билимлари ва тажрибаларини сизларга муваффақиятли равишда ўргатиб кетганликлари билан фахрланадилар.

Бизнинг иқтисодий ҳамкорлигимиз кенгаймоқда ва бундан буён яна ривожлана беради. Бошқа корхоналарингиз учун ҳам раҳбар техника кадрлари тайёрлашда ёрдам беришимиз керакка ўхшайди. Сизларнинг мана шундай катта заводда муваффақиятли равишда ишлаб орттирган тажрибангиз Ироқнинг бошқа заводларида ҳам ишнинг муваффақиятли боришини таъминлайдиган гаровдир.

Шонли 14-июль Ироқ революцияси идеялари билан руҳланган, ўз халқига жон-тани билан хизмат қилаётган завод ишчилари ва инженерларини табриклайман. Директор жаноблари, сизнинг қўлингизни қисиб табриклашга ва сиз орқали заводнинг ҳамма ходимларини табриклашга ижозат бергайсиз.

Шундан сўнг А. И. Микоян заводнинг ҳурматли меҳмонлари қўл қўядиган дафтарига имзо чекди.

А. И. Микоян завод директори билан, ироқ ва совет мутахассислари билан самимий хайрлашди.

Заводга бораётган вақтда ва заводдан қайтишда йўл бўйидаги қишлоқларнинг аҳолиси совет меҳмонларини қизғин табриклаб турди.

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛИБ ҚОЛГАНДА...

ШАХМАТ

Ўзбекистон шахмат чемпионатининг олдинги туридаги каби, еттинчи турда ҳам ўйналган саккиз партиянинг фақат тўрттаси танаффусгача якунланди.

Наҳотки бир ўйин беш соатда тугамаса, деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, кучлар тенг келиб қолганда кураш чўзилади, бинобарин, ўйин 40 юришда ҳам натижа бермайди.

Бу турдаги СССР спорт мастери Грушевский билан мастерликка кандидат Хасидовский учрашувида томонлар фарзин гамбитининг Тарраш ҳимоясини қўлландилар. Буларнинг иккаласи ҳам бу ҳимояни яхши билади. Узоқ давом этган маневрлардан кейин Грушевскийнинг бир пиёдаси ортиқ бўлгани ҳолда ўйин кечиктирилди.

Биринчи разрядли Лазарев мастерликка кандидат Бирбрагерга қарши ўйиннинг дастлабки юришларидаёқ бир пиёдасини қурбон қилди ва рақиб шоҳига ҳужум қилиш пайига тушди. Шу мақсадда у, яна бир неча доналарини бериб юборди. Бирбрагер ўзига хос совуққонлик билан ҳужумни қайтарди ва доналар жиҳатидан эришган устунлиги унга ютуқ келтирди. Каримов (Андижон) Тюринга, мастерликка кандидат Набираҳўжаев Муҳиддиновга, Гутников (Андижон) Елистратовга ютқазди. Баренбаум — Мухин, Неёлов — Надеждин ва Бударин — Шаҳзода учрашувлари кечиктирилди.

Навбатдаги саккизинчи тур пешқадамлар группасига айтарлик ўзгариш киритмади. Бу турнинг марказий учрашуви ҳисобланган Бирбрагер — Грушевский партияси кечиктирилди. Бунда Бирбрагернинг бир пиёдаси ортиқ. Шунга қарамай, бу ўйин дуранг бўлса керак.

Хасидовский Баренбаумни, Елистратов Лазаревни, Надеждин Гутниковни енгди. Тюрин — Муҳиддинов, Мухин — Набираҳўжаев ва Шаҳзода — Неёлов учрашувлари дуранг бўлди. Каримов — Бударин учрашуви кечиктирилди. 13 апрелда кечиктирилган ўйинлар давом эттирилди.

М. МУҲИДДИНОВ, СССР спорт мастери.

БИР ЮЗ ЎН ОЛТИ

Тошкент шаҳар, Калинин районидаги Келес посёлкасида яшовчи Розияхон буви яқинда 116 ёшга тўлди. Буви ҳали тетик ва бардам. Бувининг 3 қизи, 1 ўғли, 90 дан ортиқ невара, чевара ва эвaралари бор.

Ж. ҲОШИМОВ.

ПРАВДА ВОСТОКА

Газетада «1 Майни янги меҳнат зафарлари билан кутиб олайлик!» деган бошмақола босилган. Биринчи бетда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг гўшт топшириш илғорларига Қизил байроқлар бериш тўғрисидаги қарори бор.

Иккинчи бет «Правда» газетасининг шу йилги 13 апрель сонидан кўчириб босилган. Унда В. И. Лениннинг янги биографиясидан кириш қисмини ўқийсиз.

Учинчи бетдаги И. Гранитовнинг «Қуёш ва соялар» деган мақоласида пасха байрамининг реакцион моҳияти очиб ташланган.

Тўртинчи бетда республика ҳаётига доир хабарлар берилган.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН»

Журналнинг 4-сони «Ленин — байроғимиз» сарлавҳали бош мақола билан очилади. Бу сонда В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган кўпгина материаллар берилган. Улар ичида шоир Мақсуд Шайхзоданинг «Ленин қалами», А. Яшиннинг «Ильич кабинети олдида» шеърлари, Г. И. Астаповичнинг «Улуғ, камтар, жонажон», Е. А. Нечкинанинг «Медицина ҳамширасининг хотиралари» сарлавҳали ҳикоялари бор.

Бундан ташқари, журналда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинованинг «Чўлга жон кирди» сарлавҳали мақоласи, Г. Николаевнинг «Тинчлик солдатлари», А. Маиляннинг «Кеча, бугун, эртага», М. Қодировнинг «Ҳамманинг манфаати учун» сарлавҳали фотоочерклари ва бошқа материаллар босилган.

Редактор И. РАҲИМОВ.

АРТЕЛИМИЗ ФАБРИКАГА АЙЛАНСА ҚОШКИЙДИ

Артелимиз Марғилондаги йирик саноат корхоналаридан ҳисобланади. Куйбишев номли машҳур ипак комбинатидан сал озроқ маҳсулот чиқарамиз. 14 та цехимиздан 5 таси тўла механизациялаштирилган.

Бироқ шу кунгача иккита тўқувчилик цехимизда ипак газламалар доқи юнусдан қолган дастгоҳларда тўқилади. Агар артелимиз фабрикага айланса, бу цехларни ҳам механизациялаштириш имконияти туғиларди. Бунга ишончимиз комил.

Бизнинг артелимиз 1960 йил биринчи квартал планини анча ошириб бажарди. Лекин газламаларнинг сифати кўнгилдагидек бўлмади. Бунга асосий сабабчи «Узхудожпромсоюз» бўлди. Чунки «Узхудожпромсоюз» бизнинг артелимизни хомашё билан тўла таъминламади.

Агар артелимиз фабрикага айланса, ишларимиз янада юришиб кетади, таъминотимиз тубдан яхшиланади, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, деб ўйлаймиз.

А. УСМОНОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Х. МАҲМУДОВ,
Р. ҚОСИМОВ,
Ю. ЙЎЛДОШЕВ,
Марғилон шаҳридаги «Байналминал» артели аъзолари.

ХУШХАБАРЛАР

«ҚАЙНОНА»

Ўзбекистон давлат эстрадасининг татар ансамбли озарбайжон драматурги М. Шамхаловнинг «Қайнона» пьесасини саҳнага қўйди.

ИНГЛИЗ ТИЛИ КЛУБИ

АНДИЖОН, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). 2- ўрта мактабда инглиз тили клуби ташкил этилди. Ўқувчилар яқинда А. П. Чеховнинг «Каштанка» ҳикоясини инглиз тилига таржима қилдилар, инглиз тилида «Спутник» деган деворий газета чиқардилар.

ЭКСКУРСИЯ БОШҚАРМАСИ

Тошкентда Ўзбекистон туристик экскурсия бошқармаси ташкил этилди.

ВЦСПС раҳбарлигида ишлайдиган бошқарманинг вазифаси республикада маҳаллий туризм ва альпинизмни ривожлантиришдан иборат.

Г. ЗУФАРАВ.

ЦИРК

ЎЗБЕК ЦИРК САНЪАТИ

Тошкент Давлат цирки томошабинлар билан лиқ тўлган. Барчанинг диққат-эътибори ҳар тарафдан прожекторлар билан ёритилган цирк саҳнасига (манежга) қаратилган.

—Ўзбек цирк артистларининг томошасини бошлаймиз! — Программани олиб борувчининг жарангдор овози янграйди. Манежга чиройли миллий кийимлар кийган ўзбек цирки артистлари чиқиб келадилар. Томошабинлар уларни қарсаклар билан кутиб оладилар, гулдасталар тақдим этадилар.

Ўзбек циркчилари ўтган йили Москвада бўлган ўзбек адабиёти ва санъати декадасидан сўнг Совет Иттифоқи бўйлаб гастролга чиққан эдилар. Улар РСФСР, Болтиқ бўйи республикалари, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Иттифоқимизнинг бошқа жойларида бўлиб қардошларимизга ўз санъатларини намойиш қилиб қайтдилар.

—Коллективимиз Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида, колхозларда, саноат корхоналарида, ҳарбий қисмларда бўлиб томоша кўрсатди, — дейди цирк коллективининг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обиджон Тошкенбоев. — Бизни ҳамма жойда ўзбек халқи вакиллари сифатида иссиқ қарши олдилар. Тошкентга қайтиб келиб, қадрдон томошабинларга ижодий ҳисобот бераётганлигимиз учун хурсандмиз.

Ранг-баранг программадан иборат бўлган цирк томошаси бошланади. Манежда машҳур ўзбек цирк устаси, РСФСР да хизмат кўрсатган ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Эгамберди Тошкенбоев тарбиялаб етиштирган ёш ўзбек цирк артистлари маҳоратларини намойиш қилдилар. Гимнаст Мамлакат Тошкенбоева, Қудрат Болтаевларнинг ҳаракати нақадар гўзал ва жозибадор!

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Обид Тошкенбоев бошчилигидаги дорбозлар ўйинини айтмайсизми?! Артист Эркин, Олим Тошкенбоев, Мамлакат ва Доно Тошкенбоевалар сим дор устида ажойиб ўйинлар кўрсатдилар. Бир артистнинг ўзи уч кишини кўтариб ингичка сим дор устида уёқдан-буёққа ўтади. Цирк артистларининг ҳар бир ҳаракати гўзал, ихчам ва жозибадорлиги билан томошабинларнинг олқишига сазовор.

Циркни «мардлар майдони» деб бежиз атамаганлар. Ўзбек цирк санъатининг оқсоқолларидан бири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Карим Зариповнинг шогирдлари, унинг ўғли Ҳаким Зарипов бошчилигидаги чавандоз артистларнинг санъатини кўриб, тан берасан киши. Ёш ўзбек артистлари отда чопиб, сакраб тушиб яна минадилар, остидан айланиб ўтадилар, от туёқлари остида ерда осилиб чопадилар.

Цирк деганда киши кўз олдига кулги, масхарабозлик келади. Яхши, ёқимли кулги кишининг вақтини хуш қилади, хордиғини чиқаради. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, ажойиб масхарабоз Акрам Юсуповнинг сўзлари, ҳаракатига кулмай туролмайсиз. Унинг бошчилигидаги масхарабозлар гуруҳи кишиларни хандон уриб кулдиради.

Нарвонда ўйновчи Доленколар, акробат Наумовлар, итальян артистлари Беллейлар ва С. Анохин бошчилигидаги «Етти хушчақчақ» қизиқчилар тўдасининг санъати томошабинларга ғоят манзур бўлди.

М. ХУДОЙҚУЛОВ.

СУРАТДА: чавандоз қиз **Ҳамида ШАРИФБОЕВА** манежда.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган спектакль

Кураш йиллари

3 бўлимли адабий-драматик композиция.

Композиция автори ва режиссёри — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Амин Турдиев**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **Ҳамидулла Икромов**.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

14 апрелда

ФУТБОЛ

«Машиностроитель» (Свердловск) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви

Кеч соат 7 да бошланади.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон Жамияти залида

(Оҳунбобоев кўчаси, 1-уй)

25 апрелгача

душанба кунларидан бошқа ҳар куни эрталаб соат 11 дан кеч 8 гача **«Ҳиндистонда аёллар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик»** деган темада

КЎРГАЗМА ОЧИЛГАН

(Кўргазмани Ҳиндистон халқ фаровонлигини ошириш Жамияти тайёрлаган)

Кўргазмага ҳамма кириши мумкин.

Тошкент область, ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН МАТЛУБОТ СОЮЗИНИНГ

Қорасув сельпоси ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 22/IV гача қабул қилинади.

Бекобод шаҳридаги ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ

ишчи таъминоти бўлими тугатилади

Даъволар 27/IV гача қабул қилинади.

«ЎЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИГА

экскаваторчилар, бульдозерчилар, тракторчилар, ремонтчи слесарлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уйда, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Уйғур кўчаси, Қуёш нури проезд, 6-уйда турувчи **Қумриниса Зокировна Обидова (Иброҳимова)нинг** Улуғбек кўчаси, 33-уйда турувчи Тўлқин Иброҳимовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

Краснодон кўчаси, 3-уйда турувчи **Лутфулла Ботутуллаевнинг** 3-Виборг кўчаси, 61-уйда турувчи Машкура Толибоевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 2-участка халқ судида кўрилади.

ТОШКЕНТ, „Правда Востока" кўчаси 26 уй

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:

КОММУТАТОР — 26334, 33262. **Редакция бўлимларининг телефонлари:** партия турмуши— 27604, Пропаганда — 31226, Саноат ва транспорт — 34780, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34524, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, Секретариат — 23469, 32347, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 02636 Нашр. А № 87.